СССР Давлат китоб палатаси
Инв. №
8 АПР 1991

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РУЗНОМА 1918 ИИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ № 63 (20. 930) 1991 йил 2 апрель, сешанба ◆ Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ◆ Баҳоси 8 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси КПСС Марказий Комитети Бош котиби М. С. Горбачев раислигида ўтган навбатдаги мажлисида СССР референдумининг сиёсий якунлари ва партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Қабул этилган қарорда таъкидланадики, 1991 йил 17 март куни СССР халқ депутатлари IV Съездининг қарорига биноан бўлиб ўтган Бутииттифоқ референдуми мамлакатдаги йирик сиёсий воқеа, демократик ўзгартишларнинг муҳим босқичи бўлди.

Референдум Иттифоқ тарафдорлари билан уни барбод этишга уринаётганлар ўртасидаги ўзаро кураш шароитида тайёрланди ва ўтказилди. Бир қанча жойларда СССР Конституциясиё қўпол равишда бузилди, одамларнинг мамлакатимиз турмуши тақдирига тааллуқли масалага ўз муносабатини изҳор этиш ҳуқуқини амалга оширишларига халақит бериш учун кўп иш қилинди.

Бузғунчи кучлар шовқин-суронли митинглар ўтказиб, ўз матбуот органларида, варақаларида, плакатларида иш ташлашларга даъват этиб, андишасизларча туҳмат қилиб, бошқача фикрловчиларга нафрат билдириб, демократ деган ниқобни узил-кесил улоқтириб ташладилар, халқ манфаатларига мутлақо алоқаси бўлмаган ҳақиқий мақсадларини рўй-рост билдириб қўйдилар. Миллатлараро можаролар кучайди. жиноятчилик ошди. Айни вақтда баъзи чет эл ташкилотлари томонидан СССРдаги афкор оммага тазйиқ кучайди.

Мамлакатда вужудга келган иқтисодий вазият референдумга жиддий таъсир ўтказмай қола олмади. Иқтисодий алоқалар узилиб, ишлаб чиқариш камайиши, иш ташлашлар ва меҳнат интизомининг пасайиши, моллар етишмаслиги ва нарх-навонинг ошганлиги жамиятдаги ижтимоий кескинликни ҳаддан ташқари ошириб юборди.

Шунга қарамай, деб таъкидланади қарорда, бундай шароитда референдумда қатнашганларнинг 76 фоиздан кўпроғи Иттифоқни янгилаш, мустақил республикаларнинг федерацияси учун, танлаб олинган социалистик йўл, халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги, бутун мамлакатдаги ҳар қандай миллат кишисининг ҳуқуқ ва эркинликларига кафолат берилиши учун овоз берди. Улар сиёсий барқарорлик учун, ССР Иттифоқи халқлари ўртасида иқтисодий ва маданий алоқаларни мустаҳкамлаш учун, тинчлик ва хавфсизлик омили бўлган Иттифоқ учун овоз бердилар. Умуман референдумга тайёргарлиқ кўриш ва унинг ўтиши мамлакат учун мураккаб ва бурилиш даврида халқнинг донолигини, соғлом ақл-идрок устун бўлиб чиқаётганини, бузғунчи кучларнинг ҳамма ҳийлаларига қарши турганини, умумдавлат миқёсида биргалашиб, демократик йўл билан вазмин қарорлар қабул қилиш имконини беришини яққол кўрсатди. Референдумнинг бош сиёсий якуни мана шундай бўлди.

Шу билан бирга, дейиладиҳужжатда, сайловчиларнинг бир талай қисми «йўқ» жавобини берганлиги ёки овоз беришда қатнашмаганлиги ҳолати ташвишлантирмоқда. Аммо уларнинг ҳаммасини Иттифоқнинг душманлари қаторига қўшиб қўйиш нотўғри бўлур эди. Уларнинг кўпчилик қисми жамиятдаги ҳозирги аҳволдан қониқмаётганлигини изҳор этди. Бундан партиянинг бутун амалий фаолияти учун муҳим хулосалардан бири келиб чиқади — вазиятни яхшилик сари тубдан ўзгартириш зарур. Мамлакат олий ҳокимият органларининг, КПССнинг, бошқа ватанпарвар кучларнинг Иттифоқни янгилаш ва сақлаб қолиш йўлини ишчилар, деҳқонлар, зиёлиларнинг мутлақ кўпчилиги қўллаб-қувватлаганини референдум якунлари кўрсатиб турибди. Бу ҳол Конституцияни ва қонунни ҳурмат қилиш нуқтаи назарига амал қилаётган барча кишиларга қатъият ва изчиллик билан ҳаракат қилиш ҳуқуқини беради. Иқтисодиёт соҳасидаги чора-тадбирлар мажмуини фаолроқ амалга ошириш керак. Хўжалик алоқаларини тиклаш, ишлаб чиқаришнинг пасайишини тўхтатиш, уни барқарорлаштириш учун энг зарур чораларни кучайтириш, яъни СССР халқ депутатлари IV Съезди қабул этган тангликни тугатиш дастурини янада қатъият билан амалга ошириш учун ҳамма ишни қилиш лозим. Ижтимоий-иқтисодий вазифалар ҳозир стратегик аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Халқнинг фаровонлиги ва осойишталиги шу вазифаларнинг ҳал этилишига боғлиқ.

Шундай ҳаракатлар билан айни бир вақтда қонуний йўл орқали тартибни мустаҳкамлаш, интизомни кўтариш, можароларни юмшатиш, вазиятни барқарорлаштириш сари қатъий бориш зарур. Акс ҳолда ҳам сўл экстремист, ҳам ўнг экстремист кучлар томонидан диктатура хавфи ортаверади. Коммунистларнинг, Ватан тақдирини азиз билувчи барча кишиларнинг бурчи реакцияни тўхтатиб қолишдан, демократик ислоҳотларни сақлаб қолиш ва давом эттиришдан, Конституция меъёрларига ва қонунийликка бекаму кўст риоя этилишини таъминлашдан иборат.

Референдум якунлари Иттифоқ шартномаси устидаги ишни тугаллаш учун зарур шарт-шароит яратади, деб таъкидланади ҳужжатда. Бу ишни пайсалга солиб бўлмайди, чунки ихтилофчи кучлар ҳозирнинг ўзидаёқ референдум якунларини рад этишга, тақдирга дахлдор масалаларни яна самарасиз мунозаралар ботқоғига ботириб юборишга уринмоқдалар. Иттифоқдан ўз-ўзидан чиқиб кетаверилмайди. Бу соҳада ҳам барча оқибатларга, шу жумладан Иттифоқ таркибида бўлиш билан боғлиқ бўлган имтиёзлардан маҳрум бўлишга олиб борадиган қонун амал қилиши керак. Бу масалада партиянинг принципиал ёндашуви — миллий мансублигидан қатъи назар шахс ҳуқуқлари ҳимояланишига тўла кафолат беришдан, республикаларнинг сиёсий ва иқтисодий иттифоқини нуқул иқтисодий иттифоқ билан алмаштириш ёки турли-туман битимлар асосида параллел ҳокимият тузилмаларини вужудга келтириш йўлидаги уринишлар қабул этилмаслигидан иборат.

Иттифоқ шартномасининг тузилиши барча республикаларнинг куч-гайратларига боғлиқ. Шу муносабат билан РСФСР раҳбарияти бир қисмининг баёнотлари ва хатти-ҳаракатлари ноизчил эканлиги алоҳида хавотирлик уйғотмоқда, бу нарса замирида ССР Иттифоқини ҳам, шунингдек, Россия Федерациясининг ўзини ҳам барбод этиш хавфи бор. Ҳолбуки, Россия ҳамиша ССР Иттифоқини жипслаштирувчи куч бўлиб келган, бинобарин Иттифоқ шартномасининг тузилишига халқ номидан тўсқинлик қилиш ёки халақит бериш масъулиятини ўз зиммасига олаётган кимсалар аслида халққа қарши ҳалокатли сиёсат ўтказмоқдалар.

Сиёсий бюро ҳисоблайдики, партиянинг мамлакатни демократик руҳда ривожлантиришдан манфаатдор бўлган оммавий жамоат ҳаракатлари ва сиёсий ташкилотлар билан ўзаро алоқаси референдум якунларига ижобий таъсир қилди. Касаба уюшмалари, комсомол, хотин-қизлар ва фахрийларнинг жамоат ташкилотлари, бир қанча ижодий уюшмалар, ҳозирги пайтнинг муҳимлигини тушуниб турганликларини кўрсатдилар. Кўпчилик диний ташкилотларнинг намояндалари референдумни қўллаб-қувватлаб чиқдилар.

Литва, Латвия ва Эстония (КПСС) Компартиялари мураккаб вазиятда, тўғридан-тўғри қувғин қилиш ва тақиқлар муҳитида аниқ мақсадни кўзлаб ишладилар. Озарбайжон ва Украина Компартиялари вазиятни ўзгартиришга ва барча соғлом, чинакам халқпарвар кучлар билан биргаликда яхши натижаларга эришишга муваффақ бўлдилар. Кўпгина оммавий ахборот воситалари, маҳаллий партия комитетларининг рўзномалари ҳужумкорлик мавқеида турдилар. Марказий телекўрсатувнинг умуман вазмин, холисона мавқеи ижобий аҳамиятга эга бўлди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси, айни вақтда, референдумга тайёргарлик партия комитетларининг фаолиятидаги жиддий камчиликларни очиб ташлаганига эътиборни қаратди. Кўп ҳолларда улар ҳозирги пайтнинг ўзига хослигини, сиёсий курашнинг руҳини эътиборга ола билмадилар, Оқилона, ҳужумкор ҳаракат дастурини ишлаб чиқа олмадилар. КПСС Марказий Комитети, иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, маҳаллий партия комитетларининг бир қисми фаоллик кўрсатмади. Баъзи бир партия оммавий ахборот воситалари референдумни қўллаб-қувватлаш соҳасидаги тарғибот кампаниясига кечикиб киришдилар ва бу ишни кенг миқёсда авж олдирмадилар.

Сиёсий бюро иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларида, республика, ўлка, вилоят, шаҳар ва район партия комитетларида референдум якунларини чуқур таҳлил этиб, муҳокама қилишни, ўз иши учун бундан ўз-ўзини танқид руҳида тегишли хулосалар чиқариб олишни тавсия қилди. Партия интизомини мустаҳкамлаш чоралари амалга оширилиши лозим. КПСС XXVIII съезди қарорларини амалга ошириш соҳасида коммунистларнинг фаолиятини кучайтириш, референдум якунларини тафтиш этишга киришиб, мунозара клубларида, платформалар ва фракцияларда партияни путурдан кетказишга, шу тариқа коммунистларнинг диққат-эътиборини омма орасидаги сиёсий ишдан, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий турмушидан чалғитишга уринаётган кучларга кескин зарба бериш керак.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси шуни билдирдики, оммага таъсир ўтказиш учун, унинг сиёсий йўлни танлаб олиши учун турли ижтимоий кучларнинг шиддатли кураши давом этаётган шароитда КПСС ўзининг янги Дастурини тезроқ ишлаб чиқиши ва унинг лойиҳасини муҳокама учун эълон қилиши лозим. Дастурда кенг меҳнаткашлар табақаларининг манфаатларига мос бўлиб тушадиган равшан инсонпарварлик мақсадлари баён этилиши керак, бу дастур бутун партияни шу мақсадлар теварагида жипслаштирадиган жуда муҳим омил бўлиб қолиши зарур.

КПССнинг оммавий ахборот воситаларига референдум якунларидан келиб чиқадиган хулосани мамлакат аҳолиси барча қатламларига ва чет эл жамоатчилигига ишонарли тарзда, аниқ-равшан тушунтириб бериш таклиф қилинади. Бу хулоса эса янгиланган Иттифоқни қандайдир партия, уюшма ёки одамларнинг гуруҳи эмас, балки барча ватанпарвар ҳаракатлар, кўпчилик халқ танлаб олганини билдиради. Ҳар қандай тарздаги бузғунчилик ҳаракатларини давом эттириш демократия ва инсонпарварлик тартиб-қоидаларига зид бўлиб, халқнинг иродасига, жаҳон сиёсатидаги амалий тамойилларга қаршидир.

Сиёсий бюро КПСС Марказий Комитетининг Котибиятига, иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига, республика, ўлка, вилоят, шаҳар, район партия комитетларига ушбу қарорда баён этилган фикрлардан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш соҳасидаги ҳаракат режасини ишлаб чиқишни топширди.

● Андижон вилоят маҳаллий саноат тармоғининг тикувчилик бирлашмасида хотин-қизларга яна бир қулайлик яратилди. Корхонада олти соатлик иш куни жорий этилди. Бу эса уларнинг уй юмушлари, фарзандлар тарбиясига кўпроқ вақт ажратишларига имкон бермоқда.

Суратда: корхонанинг чевар тикувчиси Салимахон Назарова.

Т. ҒАФУРОВ олган сурат.

Иттифоқдош республикалар Президентларига,
Олий Кенгашларининг Раисларига
Мухтор республикалар Олий Кенгашларининг Раисларига

Иттифоқдош республикалар Вазирлар Кенгашларининг Раисларига, Бош вазирларига

Мухтор республикалар Вазирлар Кенгашларининг Раисларига

Мамлакатимизнинг бир қанча минтақаларида айрим молларга нисбатан шартномавий нархлар қўлланилаётганига сизларнинг эътиборингизни қаратаман. Бу нархларнинг даражаси ССР Иттифоқи билан жумҳуриятлар ўртасида чакана нархларни ислоҳ қилиш ва аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш масалалари юзасидан тузилган шартномага мувофиқ ана шу моллар учун кўзда тутилган давлат чакана нархларидан юқоридир.

Истеъмолчилар манфаатларини ҳисобга олиб, давлат чакана нархларини оширишнинг юқори миқдори тўғрисидаги битим қоидаларига мувофиқ мазкур молларга янги нархлар белгилашни сўрайман.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти

М. ГОРБАЧЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ «ЧАКАНА НАРХЛАРНИНГ ИСЛОҲ ҚИЛИНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН ССЖ АҲОЛИСИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ ТАДБИРЛАРИ ҲАҚИДА»ГИ 1991 ЙИЛ 25 МАРТ 65-СОН ВА «ЧАКАНА НАРХЛАРНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ 1991 ЙИЛ 29 МАРТ 74-СОН ҚАРОРЛАРИГА ШАРҲЛАР.

АҲОЛИ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МАҚСАДИДА

● Узбекистон ҳукумати чакана нархлар ислоҳ қилиниши муносабати билан жумҳурият аҳолисини ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирларини белгилайдиган қарорлар мажмуини қабул этди. Қабул қилинган қарорлар нарх-наво ва даромадлар соҳасида келишилган умумий сиёсат ўтказиш тўғрисида ССР Иттифоқи билан республикалар ўртасида эришилган битимга, ССЖИ Президентининг «Чакана нархларни ислоҳ қилиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида»ги Фармонига ва ССЖИ Вазирлар Маҳкамасининг шу хусусдаги қарорига асосланади. Шу билан бирга жумҳурият қарорларида Ўзбекистоннинг миллий, нуфус ва ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари жуда тўла-тўкис ҳисобга олинган. Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши навбатдан ташқари IV сессиясининг қарорлари акс этган.

НАРХ-НАВОНИНГ ўз-ўзидан ошиб кетишига йўл қўймаслик, истеъмол бозорини барқарорлаштириш, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида чакана нархларни ислоҳ қилиш, шу жумладан уларни босқичма-босқич либераллаштириш зарур деб топилди. Халқ истеъмоли молларининг нархларини ва хизматларнинг тарифларини талаб ва таклифларни эътиборга олиб, уларнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш ва сотиш қийматига мувофиқ ҳолга келтириш вазифаси қўйилмоқда. Аҳолининг турмуш даражасини белгилайдиган асосий истеъмол моллар давлат чакана нархларини оширишнинг энг юқори миқдорлари белгилаб қўйилмоқда.

Шу билан бирга аҳолига сотиладиган дори-дармон, тиббий буюмлар, кофе, сунъий ва синтетик толалардан тўқилган газламалар ва улардан тайёрланган маҳсулотларнинг, синтетик материаллардан тайёрланган пойабзал, мўйна, трикотаж буюмлари ва пайпоқларнинг, ўйинчоқларнинг, бензиннинг, керосин, электр энергия, кўмир, газ, печ ёқилғиси, ўтиннинг, шунингдек арақнинг амалдаги давлат чакана нархларини оширмасликка қарор қилинди.

Кўп болали оилалар, пенсионерлар, қишлоқ районларининг аҳолиси кўплаб талаб қиладиган дори-дармон, кўмир, газ ва бошқа ёқилғини амалдаги чакана нархлар билан жумҳурият аҳолисига сотиш учун давлатнинг 600 миллион сўм маблағи ажратилди.

Ўзбекистон ҳукумати милий хусусиятларни, ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг ўзига хослигини, аҳоли ончагина қисмининг даромадлари даражаси пастлигини эътиборга олиб, нон ва нон маҳсулотлари, ун, макарон маҳсулотларининг амалдаги чакана нархларини 1991 йилда ўзгаришсиз сақлаб қолиш зарур, деб ҳисоблади.

Аҳолига бошқариладиган чакана нархлар билан сотиладиган халқ истеъмоли моллари нинг рўйхати кенгайтирилди. Бу рўйхатга момиқ-пат буюмлари, кигиз ва кигиз буюмлари, олий навли дудланган ва чала дудланган колбасалар, мева данакларидан олинган ёғ, шарқ миллий ширинликлари киритилди.

Бир қанча ҳолларда истеъмол моллар нархлари ва хизматлар тарифларининг нархининг мўлжалдаги оширилиши уларни ишлаб чиқариш ва сотиш чиқимларини қоплямайди. 1991 йилда бюджетдан балиқ маҳсулотлари, чой ва халқ истеъмол қиладиган бошқа баъзи ижтимоий аҳамиятга молик моллар учун бериладиган дотация қисман сақлаб қолинади, бу дотация 162 миллион сўмдан ошади.

Трамвай, троллейбус ва метрополитенда юриш тарифлари ҳатто ончагина оширилган тақдирда ҳам шу хизматларни кўрсатувчи корхоналар барибир зарар кўраверадилар, шу сабабли уларнинг харажатларини қоплаш учун 27 миллион сўм ажратилиши лозим.

Жумҳурият ҳукумати энг зарур бир қанча моллари сотишдан олинадиган беш процент солиқни солмасликка қарор қилди.

Жумҳурият ҳукумати иқтисодиётни соғломлаштиришнинг муқаррар чораси, бозор муносабатларини шакллантиришнинг зарур шарти сифатида чакана нархларни ислоҳ қилиш билан бирга аҳолининг қўшимча харажатлари ўрнини қоплаш, уларнинг моддий аҳволи кескин ёмонлашишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўрди. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда жумҳурият халқ депутатлари, вилоят, шаҳар ва район Советларининг депутатлари, халқ ҳўжалиги мутахассислари, олимлар, турли жамоат ташкилотларининг вакиллари фаол қатнашдилар. Кўриб чиқилган кўпдан-кўп нусхалар орасидан шаҳар ва қишлоқ аҳолиси, меҳнаткашлар ва вақтинча ишламаётган кишилар, кўп болали оилалар ҳамда ёлғиз оналар, пенсионерлар ва ўқувчиларнинг — хуллас, одамлар ҳар бир ижтимоий гуруҳининг манфаатларини энг кўп даражада ҳисобга оладиган нусҳа қабул этилди. Ўзбекистоннинг истисносиз бутун аҳолисига пул компенсациялари ва бошқа турдаги ижтимоий ёрдам берилди. Асосий озиқ-овқат маҳсулотлари, болаларга аталган моллар, оммавий турдаги қурилиш материаллари, мебель ва бошқа ашёвий молларнинг қимматлашуви, шаҳар транспортида йўловчилар ташиш тарифлари ошганлиги учун тўла-тўкис компенсация тўланди. Нарх-навонинг ошиши муносабати билан жумҳурият аҳолисининг қўшимча харажатлари ўрнини қоплашга бир йилда 19 миллиард сўм пул керак бўлади. Жумҳурият ҳукумати ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирлари мажмуида аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ночор қатламларига, аввало, болаларга, ўқувчи ёшларга, ногиронларга, ишламайдиган пенсионерларга, кам даромадли оилаларга моддий мадад беришни устун қилиб қўйди. Кўп болали оилаларнинг турмуш даражасини сақлаб туриш мақсадида болалар учун ижтимоий нафақаларнинг амалдаги миқдорларини ўрта ҳисобда 1,6—1,8 баравар кўпайтиришга, шунингдек, илгари нафақа олмай келган 16 ёшга етмаган болаларга, стипендия олмайдиган ўқувчилар учун эса 18 ёшгача махсус компенсация жорий этишга қарор қилинди.

Болаларга аталган моллар қимматлашуви муносабати билан балоғатга етмаган болалари бўлган оилаларга ҳар бир бола учун унинг ёшига қараб йилига 200—280 сўм ҳисобидан ҳар кварталда компенсация тўланади. 1991 йилнинг ўзида шу мақсад учун 2 миллиард сўмдан кўпроқ пул компенсация тарзида тўланади.

Республика ҳукуматининг қарорларида ўқувчи ёшларни, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирларига алоҳида эътибор берилган. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг талабалари, қунар-техника билим юртларининг ўқувчилари, аспирантлар ва докторантлар учун стипендияларнинг янги миқдорлари белгиланди.

Ҳисоб-китобларга қараганда, чакана нархларни ислоҳ қилиш муносабати билан аҳолини ижтимоий ҳимоялашга оид чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида 5—6 кишидан иборат оиланинг жами даромади ойига ўрта ҳисобда 340 сўмдан 415 сўмга кўпаяди. 1 миллиондан кўпроқ оила ёки ҳар уч оиланинг бири оилавий бюджетга мана шунча компенсация олади, бундан ҳам кўп сонли оилалар эса янада салмоқлироқ компенсация оладилар.

Шу билан бирга юқори унумли меҳнатни рағбатлантириш ва қизиқтиришни кучайтириш, моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан тадбирлар белгиланди. Меҳнат жамоаларига корхоналарни ўз маблағи ҳисобидан ходимларга ва уларнинг оила аъзоларига қўшимча равишда ижтимоий ёрдам тадбирларини жорий этиш ҳуқуқи берилди. Шуни ҳисобга олиб, фойдадан олинадиган солиқнинг энг юқори миқдори 45 фоиздан 35 фоизга туширилди. Корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларга тариф ставкалари ва мансаб окладларини қайта кўриб чиқиш тавсия этилди. Халқ таълими, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот, маданият ва ҳужжатхона муассасаларининг етакчи касб ходимлари учун иш ҳақи 1,6—1,7 баравар кўпайтирилади. Фуқаролардан солиқ олиш системаси ҳам қайта кўриб чиқилди. 160 сўмгача ўртача ойлик иш ҳақи оладиган кишилар даромад солиғи тўлашдан озод қилинади. Ойига минг сўмгача бўлган маошларга солинадиган солиқ ставкалари пасайтирилди. Шунинг натижасида аҳоли тахминан 523 миллион сўм манфаат кўради.

Жумҳурият ҳукуматининг қарори билан кўзда тутилган кўпгина компенсация чора-тадбирлари Умумиттифоқ даражасида қабул этилганидан анча фарқ қилади.

Чунончи, Ўзбекистон ССР Президентининг Фармонига биноан умумий таълим мактабларининг бошланғич синфларидаги барча ўқувчилар нонушталар билан, камқонлик дардига чалинган ҳомиладор аёллар озиқ-овқат билан бепул таъминланадилар. Шу ишга бу йил 200 миллион сўм ажратилади.

Умумий таълим мактабларининг ошхона ва буфетларидаги озиқ-овқат маҳсулотларининг нархлари ўзгартирилмайди. Жумҳурият Молия вазирлигига манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда шу муносабат билан бўладиган қўшимча чиқимларни қоплаш учун зарур бўлган қамаси 300 миллион сўмни топиш топширилди.

Касалхоналар, поликлиникалар, мактабгача тарбия болалар муассасаларида мактаблар, болалар уйлари ва интернатларда, қариялар ва ногиронлар учун интернат уйларда ҳамда ижтимоий соҳанинг бошқа муассасаларида аҳолининг ижтимоий таъминотига бўладиган харажатларнинг пул нормаларини ошириш кўзда тутилган. Натижада жумҳурият ва маҳаллий бюджетлардан 1,1 миллиард сўм қўшимча пул ажратилди.

Хўжалик ҳисобидаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларга мулкчилик шакларидан қатъи назар, нархнаво оширилиши муносабати билан ишчи ошхоналари ва буфетларида овқатланишни ташкил этиш учун қўшимча харажатларни ўз маблағи ҳисобидан қоплаш имкониятини қидириб топиш тавсия этилди.

Шаҳар пассажир транспортида юриш ҳақи оширилиши муносабати билан айрим тоифадаги гражданларнинг Ўзбекистон ССР Президенти фармонлари ва амалдаги қонунлар билан белгиланган бепул юриши учун имтиёзлар ижтимоий ҳимоялашнинг қўшимча чораси сифатида сақлаб қолинади.

Жумҳуриятдаги мураккаб нуфус вазиятини — одамларнинг каттагина тоифаси узоқ вақт мобайнида ишга жойлашиш имкониятига эга эмаслигини эътиборга олиб, Ўзбекистон ҳукумати уларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан махсус чора-тадбирлар кўрди. «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида» Ўзбекистон ССР Қонуни қабул этилгунча, жумҳуриятда иш билан банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш ва унга пул нафақалари тўлаш тартиби тўғрисидаги муваққат Низом амал қилади. Меҳнат қобилиятига эга бўлган ёшдаги, меҳнат идораларида қайд этилган фуқаролар ўзларига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ишга ва доимий даромад манбаига эга бўлмасалар, нафақа олиш ҳуқуқидан фойдаланадилар. Армия сафидан бўшаб келганлар, олий ўқув юртини битириб чиққан ёшлар, корхоналарни қайта тузиш ва тугатиш, штатларни қисқартириш натижасида ишдан маҳрум бўлганлар, шунингдек, биринчи бор иш қидирувчилар ҳамда аҳолининг уч ойдан кўпроқ вақт ишламаётган бошқа тоифалари шу жумлага киради.

Иш билан таъминланмаган ва нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлган бутун аҳолига йилига кўпи билан 6 ой мобайнида ҳар ойда 60 сўм нафақа тўланади. Иш билан банд бўлмаган аҳолига моддий мадад бериш масалаларини ҳал қилиш учун Қорақалпоғистон МССР Вазирлар Кенгаши халқ депутатлари қишлоқ (овул), қўрғон, шаҳар, район ва вилоят халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетлари ҳузурида тузилаётган аҳолини ижтимоий ҳимоялаш комиссиялари зиммасига алоҳида масъулият тушади. Бу комиссиялар ишламаётган фуқароларни ишга жойлаштириш имкониятини кўриб чиқишлари, иш билан банд бўлмаган аҳолининг пул нафақалари оладиган тоифасини аниқлашлари, зарур ҳолларда эса шундай нафақалар тўлашни тўхтатишлари лозим. Бундан ташқари Ўзбекистон ССР меҳнат идоралари ва уларнинг шўъбаларига вақтинча ишламаётган аҳолини иш жойлари билан таъминлаш соҳасида фаол иш олиб бориш топширилди.

Чакана нархларни ислоҳ қилиш амалга оширилган сайин Ўзбекистон ССР ҳукумати аҳолини, биринчи галда ижтимоий жиҳатдан ночор табақаларни ижтимоий ҳимоялаш, жумҳуриятдаги бутун аҳоли турмуши моддий фаровонлиги пасайиб кетишига йўл қўймаслик юзасидан қўшимча чора-тадбирларни кўриш ниятидадир.

Ш. ҒАФУРОВ,
иқтисод фанлари номзоди.

В. ГОЛИШЕВ,
иқтисод фанлари номзоди.

ХИЗМАТ ҲАҚИ ҚАНЧА БЎЛАДИ!

● Бугундан бошлаб сиз таксига ўтирганингиз учун 40 тийин, юрган ҳар бир километрингиз учун шунчадан пул тўлашингиз керак бўлади.

● Шаҳарда автобусларда юриш 15 тийинга, экспрессларда эса 20 тийинга тушади. Вилоятлар ичида қатновчи автобусларда йўл ҳақи 60 фоиз, вилоятлараро ва жумҳуриятлараро автобусларда эса икки баравар ошади.

● Шаҳар электр транспорти — троллейбуслар, трамвайларда эса битта эмас, учта беш тийинлик паттани чакчлашингиз зарур. Агар юкингиз бўлса у ҳолда 6 та паттани чакчлайсиз. 2 апрелга қадар бепул юриш ҳуқуқига эга бўлганлар бундан кейин ҳам. шу ҳуқуқдан фойдаланаверишади. Апрель учун олдиндан ойлик патта сотиб олганлар транспортдан фойдаланаётганда қўшимча ҳақ тўлашмайди.

● Тошкент метрополитенида ҳар бир йўловчи автоматга учта 5 тийинлик танга ташлаши зарур.

● Уй телефонлари учун янгича ҳақ тўлашда одатдаги ойига тўланадиган 2 ва 2,5 сўмга 20 фоиз қўшасиз. Шаҳарлараро сўзлашуваларга келганда эса бунинг учун ҳақ махсус графикка қараб тўланади.

КПСС Марказий Комитети Котибияти мажлисидан

ПАРТИЯ ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР МУАММОЛАРИ

КПСС Марказий Комитети Бош котибининг ўринбосари В. А. Ивашко раислигида КПСС Марказий Комитети Котибиятининг навбатдаги мажлиси бўлди.

КПСС Марказий Комитетининг Хотин-қизлар ва оила масалалари комиссияси партиянинг аёллар ва хотин-қизлар ҳаракатига доир ишлари Асосий йўналишларига тааллуқли таклифларни тақдим этди. Комиссия раиси, КПСС Марказий Комитетининг котиби Г. В. Семенова ушбу ишни янгилаш зарурлигини асослаб айтдики, иқтисодиётдаги танглик, ижтимоий ва миллий кескинликнинг кучайиши, ғоявий ва сиёсий қарама-қаршилик кескин тус олаётганлиги аёлларнинг аҳволига жуда ноҳуш таъсир қилмоқда.

Хотин-қизлар ҳаракатининг ўзида ҳам мураккаб жараёнлар кечмоқда. Илгари бир тусда бўлган ҳаракат сиёсий фикрлар хилма-хиллиги шароитида кўпдан-кўп уюшмалар ва иттифоқларга ажралиб кетмоқда. Хотин-қизлар масаласини «алоҳида» сиёсатга айлантиришга уринишлар бўлаяпти.

КПСС Марказий Комитети Котибиятининг мажлисига таклиф этилган КПСС Марказий Комитети аъзолари, совет хотин-қизлар комитетининг раиси А. В. Федулова ва КПСС Ленинград вилоят комитетининг котиби Е. И. Калинина, РСФСР Компартияси Марказий Комитетининг котиби Н. П. Силкова ҳамда Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби Б. Раҳимова ҳозирги шароитда партия комитетлари хотин-қизлар муаммоси жиддийлигини тушуниб етмаслигига сира тоқат қилиб бўлмаслигини таъкидладилар.

СССР Вазирлар Маҳкамаси бўлим мудираси П. И. Маева ва «Советская женщина» журналининг бош муҳаррири В. И. Федотова ўз нутқларини шу куннинг муаммоларига бағишладилар.

КПСС Марказий Комитети Котибиятига таклиф этилган мамлакат хотин-қизлар ҳаракати таниқли арбобларининг гаплари аҳолининг ана шу тоифаси ижтимоий жиҳатдан ўзини қандай ҳис этаётганлиги тўғрисидаги тасаввурларимизни анча кенгайтирди, деди КПСС Марказий Комитетининг котиби В. А. Купцов. Унинг фикрича, КПСС Марказий Комитетининг Хотин-қизлар ва оила масалалари комиссияси амалий таклифларни тайёрлади, бу таклифларга маҳаллий партия комитетлари учун тавсиянома мақомини бериш зарур.

Партия комитетларининг хотин-қизлар орасида олиб борадиган ишларини кучайтириш — инсонпарвар, демократик социализм амал қилишининг шартларидан биридир, деб таъкидлади шу масалани муҳокама қилишда қатнашган КПСС Марказий Комитетининг котиби А. С. Дзасохов. КПСС Марказий Комитетининг котиблари В. М. Фалин ва О. С. Шенин мажлисда сўзга чиқдилар.

В. А. Ивашко шу масала муҳокамасига якун ясади. Партиянинг хотин-қизлар манфаатлари ва хотин-қизлар ҳаракатига доир фаолиятини тубдан қайта қуриш соҳасидаги амалий ишларини ташкил этиш учун тақдим этилган таклифларни КПСС Марказий Комитетининг тавсиялари сифатида маҳаллий партия комитетларига юборишга қарор қилинди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ МАТБУОТ МАРКАЗИ.

• *Советлар ва партия ташкилотлари*

ҲАМКОРЛИК

Котибликка яқинда сайланган даврим эди. Меҳнат жамоалари фаолияти билан танишай деб хўжаликларни айланар эканман, «СССР 60 йиллиги» қўриқ совхози бўлимларидан бирида хашар устидан чиқиб қолдим. Чўлқуварлар ўзлари учун дала шийпони қуришаётган экан.

Тушлик пайтида улар билан бироз гурунглашдик. Гапларидан бўлим бошлиғи Раҳимжон Исмоиловни жуда ҳурмат қилишлари сезилиб турарди. Кейин билсам, бундай обрўга у одамларга меҳрибонлиги, намунали ишлари билан эришган экан.

Кўп ўтмай район партия комитети Р. Исмоиловни кадрлар резервига киритди, сўнгра «Қизил Октябрь» жамоа хўжалиги бошқаруви раисининг ўрни бўшаб қолганида уни шу лавозимга тавсия этди. Янги раис қолоқ хўжаликдаги ишни бригада ва ижара пудратини жорий этишдан бошлади. Экин майдонларини комплекс мелиорациялаш тадбирлари амалга оширилгач, далаларга Амударё суви келтирилди.

Қисқа муддатда бундай тадбирлар ўзининг амалий самарасини кўрсатди. Иқтисодий даромад икки ҳисса ошиб, иш ҳақи фонди бир йилда ярим миллион сўмга кўпайди. Ўтган йилни эса хўжалик 5,5 миллион сўмлик даромад билан якунлади. Кейинги йилларда колхозда ҳаммом, янги бозор, чойхона, мактаб ва бошқа маданий-маиший бинолар қурилди.

Кишиларнинг турмуш ташвишларига шерик бўлган коммунист раҳбарлардан яна бири «СССР 60 йиллиги» давлат хўжалиги директори Ойтош Гулиновадир. Дастлабки пайтда қийналиб қолганида, районда «аёл киши чўл шароитида ишни уддалай олмайди», деган гаплар ҳам тарқалди. Бюро эса сергайрат, ишбилармон коммунистга ишончини йўқотмади. Мана энди, икки йилдан буён у раҳбарлик қилаётган совхоз машина терими ҳажмини 80 фоиздан пасайтиргани йўқ. Чўлқуварлар учун ажойиб уйлар қурилди. Хонадонларга табиий газ, тоза ичимлик суви олиб келинмоқда.

Кейинги йилларда район партия комитети олиб борган ташкилий-сиёсий иш туфайли кўпчилик раҳбарлик лавозимларига тадбиркор коммунистлар келишди. Партия комитети кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жойжойига қўйишдек муҳим масалани ҳар доим диққат марказида сақламоқда.

Ўзбекистон Компартияси XXII съезди қарорлари бу ишда туб ўзгаришлар ясади. Эндиликда бу соҳада халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан яқин ҳамкорлик қилинмоқда. Халқ депутатлари, район, қишлоқ ва посёлка Кенгашларида коммунистлар деярли кўпчиликни ташкил қилиши бу ҳамкорликка амалий тус бағишламоқда.

Жумладан, район Кенгашида коммунист депутатлар 76 фоизни ташкил қилмоқда. Бу эса партия ташкилотлари энг муносиб сафдошларининг турли даражадаги раҳбарлик лавозимларига ўтишларини таъминлашида ҳал қилувчи омил бўляпти. Бироқ, бу кадрларни жойжойига қўйишда буйруқбозлик давом этмоқда, деган гап эмас. Аксинча, кадрлар масаласини ҳал қилишда тобора кенг доирадаги партия фаоллари, депутатлар жалб қилинмоқда.

Чунончи, район Кенгаши ёки унинг ижроия органида қайсидир даражадаги лавозимга кадрни танлаш масаласи район партия қўмитаси кадрлар билан ишлаш комиссияси ҳамда район Кенгаши тегишли комиссиясида алоҳида тарзда кўрилиб, зарур номзодлар танланади. Улар тўғрисида бошланғич партия ташкилотларининг фикри ўрганилади. Шундан кейин масала район партия комитети бюросида муҳокама қилиниб, маълум номзодлар халқ депутатлари Кенгаши партия гуруҳи ҳукмига ҳавола этилади.

Бундай тартиб демократияни бузмаган ҳолда тўла ошкоралик шароитида энг муносиб номзоднинг раҳбарликка кўтарилишига имкон беради. Бу эса пировардида ишнинг муваффақиятини белгилайди.

Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда номенклатура принципидан воз кечиш билимдон, қобилиятли ёш коммунистларнинг тез кўтарилишига имкон бермоқда. Раҳбарлик ишларига шундай кадрлар келиши туфайли мана уч йилдан буён район хўжаликлари давлатга пахта сотиш планларини ортиғи билан адо этишмоқда. Ўтган йили бу соҳадаги режа 108,9 фоиз бажарилди. Машина терими ҳажми 75 фоизга етди. Пахтачиликдан олинган даромад бундан олдинги йилга нисбатан 4,5 миллион сўмга кўпайди.

Советлардаги коммунистлар шунингдек ижтимоий тадбирлар дастурини, қишлоқдаги энг долзарб вазифаларни ҳал этиш масалаларини кўтариб чиқишмоқда. Мана, уларнинг фаол аралашуви билан амалга ошган ишлардан баъзи намуналар: агар 1985 йилда райондаги хонадонларнинг атиги 18 фоизи газлаштирилган бўлса, ҳозир уларнинг сони 50 фоиздан ошди. Кооператив ташкилотлар билан қилинган ҳамкорлик туфайли район аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш масаласини ҳам яқин йиллар ичида ҳал қилиш ниятимиз бор.

Кадрларни тўғри танламай туриб, бундай муваффақиятларга эришиш амри маҳол эди, албатта. Мисол учун район маркази Кармана шаҳрини олайлик. Кейинги йилларда бу ерда ажойиб болалар хиёбони, пионерлар уйи, мусиқа мактаби ва бошқа замонавий меъморлик бинолари қурилиб, улар эски шаҳарнинг қиёфасини ўзгартириб юборди. Янги «Фарҳод» ва «Ширин» микрорайонларида мингдан зиёд карманалик барча қулайликлардан баҳраманд бўлиб яшамоқда. Айни маҳалда спорт мактаби қурилиши давом этяпти. Бу ишларда «Навоиводстрой» трестининг бошқарувчиси Н. Саъдиев, 212-кўчма механизациялашган колонна бошлиғи М. Қаландаровнинг хизматлари катта.

Энг қийин муаммо саналган қурилиш ва ободончилик ишларида фақат партия ташкилотимиз ҳисобида турган коммунистларгагина таяниб қолмаяпмиз. Партия ва совет ташкилотларининг кадрлар билан ишлашдаги ўзаро ҳамкорликлари туфайли ишнинг янги-янги шаклларини вужудга келмоқда. Яқинда бу соҳада юзага келган янгиликлардан бири шаҳар ва қишлоқ партия комитетлари ҳамда Кенгашларининг ўзаро ҳамкорлигидир.

Ҳамма гап шундаки, районимизда истиқомат қиладиган ўн минг киши Навоий шаҳрида ишлайди. Аммо ҳозиргача шаҳар ташкилотлари уларга турмуш шароити яратишдаги қийинчиликлардан бехабар эдилар. Навоий шаҳар ва Навоий район партия комитетлари бюроларининг қўшма мажлисидан кейин кўп нарса аён бўлди. Бир марта Навоий шаҳрида, бир марта Карманада ўтказилган бундай йиғилишлардан кейин бу соҳада ўзаро ҳамкорликнинг аниқ дастури вужудга келди.

Айни маҳалда навоийлик бинокорларнинг кучи билан районимизда иккита замонавий мактаб қурилмоқда. Шаҳар саноат корхоналари қишлоқ ва посёлкаларимизни газлаштириш учун қувур ажратишмоқда.

Кадрларимизнинг таклифи билан атроф-муҳитни соғломлаштириш соҳасида ҳам шаҳарлик коммунистлар билан ҳамкорликни йўлга қўйдик. Район партия комитети ҳузурида тузилган ташаббускор гуруҳ қишлоқ партия ташкилотлари томонидан бу соҳада билдирилган эътирозларни шаҳар саноат корхоналари бошланғич партия ташкилотларига етказмоқда. Бундай ҳамкорлик туфайли атроф муҳитни булғатаётган чиқитлар миқдорини анча камайтириш мумкин бўлмоқда.

Ҳаёт кўп нарса кадрларимизнинг ижодкорлик фазилатларини намоён қилишлари учун қандай имкониятлар яратилишига боғлиқ эканлигини яна бир карра исботламоқда. Қайта қуриш бундай имкониятлар мундарижасини кенгайтирмоқда.

М. ХОЛИҚОВ,
Навоий район партия комитетининг биринчи котиби, район Кенгаши раиси.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ АГРАР СИЁСАТ МАСАЛАЛАРИ КОМИССИЯСИДА

КЎП УКЛАДЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАЪМИНЛАНСИН

● 30 МАРТ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ КОТИБИ А. И. ИКРОМОВ РАИСЛИГИДА АГРАР СИЁСАТ МАСАЛАЛАРИ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ БЎЛДИ.

Сурхондарё вилоятидаги жамоа ва давлат хўжаликлари партия ташкилотларининг кўп укладли иқтисодиётни ва қишлоқда хўжалик юритишнинг турли шаклларини ривожлантиришни сиёсий жиҳатдан таъминлаш ишлари кўриб чиқилди.

Муҳокама чоғида вилоят деҳқончилик-саноат соҳасида сўнгги йилларда меҳнатни ташкил этишнинг илғор шаклларини оммалаштириш, кўп укладли иқтисодиётни қарор топтириш юзасидан муайян иш қилинганлиги таъкидлаб ўтилди.

Вилоят хўжаликларида шу йилнинг бошларида 2423 та ижарачи тузилма ва 250 та деҳқон ҳамда фермер хўжалик ишлай бошлади. Уларда 19,5 минг киши ёки қишлоқда ишлаётган барча одамларнинг 12 фоизи меҳнат қилмоқда. Уларга 23,5 минг гектар ер, 8,5 минг бош қорамол, 400 та чўчқа ва 10 мингта парранда бириктиб қўйилган.

Қишлоқ аҳлининг шахсий ёрдамчи хўжаликлари янада ривожланди. Уларга 1989—1990 йилларда қўшимча равишда 7829 гектар ер, 3870 бош қорамол, 36 мингта қўй ва эчки ажратиб берилди, натижада сабзавот, картошка ва гўшт етиштиришни кўпайтириш имконияти вужудга келди.

Сурхондарё вилоят партия комитети ва район партия комитетлари ўзларининг амалий ишларида кўп укладли иқтисодиётни ривожлантириш — бозорга ўтиш даврида деҳқончилик-саноат комплексини ривожлантиришнинг бирдан-бир ҳақиқий йўли эканлигига асосланмоқдалар.

Бироқ фақат ижара ва деҳқон хўжаликлари ёрдамида ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш масалаларини ҳал қилиб бўлмайди. Ижара деганда кўпинча пудрат асосида ишлаётган жамоалар тушунилмоқда. Деҳқончилик-саноат комплексида вужудга келаётган кўп укладлилик иқтисодиётни мустаҳкамлашга жиддий таъсир қилмаётганлигини ҳам пухта ўйлаб таҳлил қилиш лозим бўлади.

Вилоят қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги ўтган йили 1988 йилга нисбатан ишловчи ҳар бир киши ҳисобига 280 сўм камайиб кетди. Фондларнинг самараси камаймоқда. Айни пайтда иш ҳақи илдам суръатлар билан ўсмоқда.

Деҳқон хўжалигининг анъанавий жамоат шаклларига нисбатан самарадорлиги яққол кўриниб турганига қарамай, улар ҳали жамоат шўъбасининг муқобил шаклига айлангани йўқ. Уларнинг ривожланиши озуқа базасининг мавжудлигига ёки озуқабоп экинларни етиштириш учун ерларни узоқ муддатли ижарага ажратиб бериш имкониятига боғлиқ. Бу эса экин майдонлари структурасини жиддий равишда қайта кўриб чиқишни тақозо этади.

Афсуски, партия комитетлари мавжуд ижобий тажрибани тарғиб қилишни ҳамиша ҳам қатъият билан ташкил этмаётирлар. Хўжалик юритишнинг акционерлик жамияти, кооператорларнинг уюшмалари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичик корхоналарни кейинчалик меҳнат жамоалари сотиб олиши шарти билан ижарага топшириш каби шакллари ҳозирча эътибордан четда қолмоқда.

Вилоят, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари қишлоқда иқтисодий муносабатларни қайта қуришга доир изчил йўлни таъминлаш юзасидан олиб бориладиган ташкилотчилик ва сиёсий ишларнинг комплекс дастурига эга эмас.

Шундан келиб чиқиб, барча даражадаги партия комитетларига, бошланғич партия ташкилотларига деҳқончилик-саноат комплексида туб иқтисодий ислоҳотни амалга оширишга партия фаолларини кенг жалб этиш, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда барча маҳсулот ишлаб чиқарувчилар учун баравар имкониятларни вужудга келтиришга кўмаклашиш тавсия этилди.

Сўнгра аграр комиссия «Ўзбекистон балиқчилиги» концернидаги коммунистлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVII пленумининг республикада балиқ етиштиришни кўпайтириш ва балиқ маҳсулотлари сотишни яхшилаш тўғрисидаги қарорларини қандай бажараётганлиги тўғрисидаги ахборотни тингладилар.

Комиссия КПСС аъзоси «Ўзбекистон балиқчилиги» концернининг раиси У. К. Шукуровга тармоқ суст ривожланаётганлиги сабабларини пухтароқ текшириб, мавжуд камчиликларни тугатиш, Мўйноқ, Бухоро, Самарқанд ва Сирдарё балиқчилик хўжаликлари иши самарадорлигини ошириш юзасидан шошилинч чоралар кўришни топширди.

Тегишли вилоят партия комитетларига балиқчилик хўжалиги корхоналарининг ишига кўпроқ эътибор бериш, балиқ етиштиришни кўпайтириш юзасидан белгиланаётган чоралар ўз вақтида бажарилиши учун коммунист раҳбарларга нисбатан талабчанликни ошириш таклиф қилинди, чунки бу ишлар аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан меъёрида таъминлашга бевосита боғлиқдир.

Партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари уюшқоқлик ва тартибни кучайтиришга, тармоқдаги ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор беришлари керак.

«1991—1995 йилларда пахта етиштиришнинг энг мақбул ҳажмини аниқлашга принципиал ёндашувларнинг концепцияси тўғрисида»ги навбатдаги масала юзасидан комиссия Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби А. И. Икромовнинг ахборотини эшитди.

Ўн иккинчи беш йилликда республика деҳқончилик-саноат комплексида номутаносибликни бартараф этиш юзасидан анча иш қилинганига қарамай қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштириш структурасида ва қишлоқ хўжалигининг турли тармоқларини бир-бирига боғлиқ ҳолда ривожлантиришда катта камчиликлар мавжудлиги таъкидлаб ўтилди.

Комиссия Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Аграр сиёсат бўлимининг маълумотномасини маъқуллади ва уни кўриб чиқиш учун республика Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига юборди.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик вазирлигига ва Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академияси Ўрта Осиё бўлимига қишлоқ хўжалик экинларини тўғри жойлаштиришда, алмашлаб экишни ўзлаштиришда, ғўзанинг истиқболли навларини районлаштиришда, аграр сиёсатнинг бошқа долзарб масалаларини ҳал қилишда хўжаликларга ёрдам бериш мақсадида қишлоқ хўжалик идоралари ва илмий муассасалар иши самарадорлигини оширишга доир қўшма дастурни ишлаб чиқиш таклиф қилинди.

(ЎзТАГ).

ВИЛОЯТ КЕНГАШЛАРИНИНГ СЕССИЯЛАРИ

26 март куни халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг сессияси бўлиб ўтди.

Вилоят Кенгашининг раиси С. М. Мамарасулов Ўзбекистон ССР Президентининг «Ўзбекистон ССР қишлоқ аҳолисини ичимлик сув билан ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш тўғрисида»ги Фармонининг бажарилиши ва вилоятда якка тартибдаги уй-жой қурилишининг аҳволи ҳақида маъруза қилди.

Сессия халқ депутатлари вилоят Кенгаши ижроия қўмитаси томонидан тақдим этилган вилоятнинг 1991 йилги маҳаллий бюджетини ва 1989 йилги маҳаллий бюджетнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлади.

* * *

ФАРҒОНА, 28 март. (ЎзТАГ). Бугун халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашининг сессияси бўлди. Вилоят Кенгаши раисининг ўринбосари А. С. Эргашев вилоят Кенгаши раёсатининг иши тўғрисида ҳисобот берди.

Сессияда вилоят ижроия комитетининг иши тўғрисидаги ҳисобот ҳам тинглади, 1991 йилги бюджет муҳокама қилинди.

Сессияда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг раиси, Фарғона вилоят партия комитетининг биринчи котиби Ғ. Ф. Фозилов сўзга чиқди.

* * *

ТЕРМИЗ, 29 март. (ЎзТАГ). Бугун халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг сессияси бўлди. Сессия қатнашчилари қишлоқдаги ижтимоий масалаларни ҳал этиш чора-тадбирларини муҳокама қилдилар.

Вилоят Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, вилоят ижроия комитетининг раиси Т. М. Менглиев маъруза қилди.

Вилоятнинг 1991 йилги маҳаллий бюджети тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Сессияда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг раиси, Сурхондарё вилоят партия комитетининг биринчи котиби Ҳ. Э. Бердиев нутқ сўзлади.

БУЮК ЎЗБЕК ШОИРИ ЮБИЛЕЙИГА ТАЙЁРГАРЛИК

31 март куни Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Э. С. Самандаров раислигида буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг 550 йиллик юбилейига тайёргарлик ва уни ўтказиш ташкилот комитетининг мажлиси бўлди.

Мажлисда таъкидланганидек, Алишер Навоий юбилейи шу йилнинг сентябрь ойигача бизнинг республикамизда, шунингдек, Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистонда бўлиб ўтади. Шундан кейин юбилей тантаналари Тошкентда, сўнгра Ватанимиз пойтахти Москвада ўтказилади.

Мажлисда Тошкентда сентябрь ойигача барпо этиладиган Алишер Навоий номли боғда шоирнинг ҳайкалини бунёд этишга қарор қилинди. Бу ҳайкалнинг макети танлаб олинди.

Шу кунларда республикамизнинг шаҳар ва қишлоқларида, колхоз ва совхозларида, саноат корхоналарида, турли ташкилотларда, олий ўқув юртларида, мактабларда Алишер Навоийнинг 550 йиллик юбилейи тантанали нишонланаяпти.

(ЎзТАГ).

• *Рўзномага келган хатлар*

БОРМИСИЗ, ОМОНМИСИЗ, ҚУРОЛДОШ ДЎСТЛАРИМ?

Ушбу расм 1943 йилнинг ёз ойларида Белоруссия фронтида олинганди. 129-Орел ўқчи дивизиясининг 664-тўпчилар полкидан Ўрта осиёлик жангчилар эндигина озод этилган Беласток шаҳрида қизғин жанглар орасида бирров нафас олишга фурсат топишганди.

Орадан қарийб 50 йил ўтди. Кўпинча шу дўстларимдан қай бири жангоҳдан омон чиққанлиги, қаердалиги, бола-чақалари, умуман ҳаёти ҳақида ўйланиб кетаман. Афсуски, менда уларнинг тўла исми-шарифи, манзилгоҳлари йўқ. Эсимда борлари мана шулар: биринчи қаторда ўнгда ўтирибди Асом ака Ниғмонов (ошпазимиз), иккинчи қаторда ўнгдан биринчи бўлиб турган камина (19 ёшда эдим ўшанда), учинчиси Саъдуллаев (Фарғона водийсидан, исми ёдимда йўқ), бешинчиси Аҳмедов (снайперимиз, исми-шарифи ва қаерданлиги ҳотирамда йўқ), олтинчиси туркман йигити Жуман ака.

Ушбу Хотира кунларида рўзнома орқали илтижо этаман: эй, менинг қуролдош дўстларим, бормисиз, омонмисиз? Ўзингиз ҳақда менга дарак беринг. Уларни таниган ва билган ўртоқлардан ҳам илтимос: мазкур манзилгоҳга — Тошкент шаҳри, Ҳ. Олимжон майдони, Б-1, 5-уй. Собиқ тўпчи-разведкачи **Акром АЛИМОВ**га бирор хабар келса, бошим осмонга етган бўлур эди.

ҚЎЙ ЙИЛИДА ҚЎЗИ КЎПАЯДИ

Қайси бир чўпон билан учрашманг у сизни кўклам пайти чўлга таклиф қилмай қўймайди. Зероки, уммондай қумликлар баҳорда ажиб гўзаллик касб этади. Қип-қизил лола қизғалдоқлар, ям-яшил ўтўланлар саҳрони қисқа муддатга жаннат маконига айлантиради.

Худди шу кунларда Бухоро шуҳратини оламга таратган қўзичоқлар дунёга келади. Ташвишлари бошидан ошиб-тошиб турганига қарамай чўпон шу кунларда меҳмон қабул қилади.

Бир ҳафта бўляптики, яйловни қўзичоқларнинг майин маъраши қоплаган. Эгиз қўзичоқлар отарларга барака киритмоқда. Қоракўл тери, жун давлат харид нархлари кескин ошганлиги туфайли бу нарса чўпонга қувонч бағишламоқда.

Ҳамкасбларим Ботир Жумаев, Бек Рўзиев, Мардон Равшанов бу йили ҳар юз совлиқдан 110—115 бошдан қўзи олишни чамалашмоқда. Менинг ўзим эса ўғлим билан бирга 120 тадан қўзи олишни кўзламоқдамиз. Бу эса бир отардан икки отар ҳосил бўлишини билдиради.

Мурод РАЖАБОВ,
Свердлов районидаги Свердлов номли наслчилик заводи бош чўпони.

* * *

Қоракўл телпак кийиш кўпчиликка манзур экани табиий. Лекин қўй-қўзи ўстиришнинг машаққати чўпонга аён.

Шу кунларда қоракўл терилари билан танилган Гагарин номли давлат наслчилик хўжалиги чўпонлари бошланган тўллаш мавсумида ҳар 10 бош қўзининг олтитасини ўстиришга қолдиришмоқда.

Сурхон воҳаси чўпонлари бу йил 276 минг бош совлиқдан тўл олиб, чорва туёқларини кўпайтиришдек хайрли ташвиш билан яшамоқдалар.

О. УСАНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЭЛ ХИЗМАТИДА

Нурмамат Қаҳҳоров Наманган шаҳрида троллейбус ҳаракати бошланган дастлабки кундан буён ишлайди. У аввалига оддий шофёр эди. Кейинчалик троллейбусда ишлашни ҳавас қилиб қолди. Ўша пайтда шаҳарда эндигина янги электр линиялари тортилаётган, одамлар эса марказий шаҳарлардаги троллейбус ва трамвай ҳаракати ҳақида кўрган-билганларини гапиришарди.

Дастлаб, уч киши — Н. Қаҳҳоров, Ш. Саматов ва А. Эгамбердиевлар Самарқанддаги 1-депога ўқишга юборилди. Курс машғулотлари тугагач, улар Тошкентда ишладилар. Икки ой ўтгач эса, учовлон Наманган шаҳрида троллейбус ҳаракатини бошлаб беришди.

Мана, шунга ҳам қарийб 20 йил бўлибди. Бу вақт ичида Нурмамат ака ва унинг ҳамкасблари бир неча маршрутларда троллейбус ҳаракатини изчил ва нормал йўлга қўйишди. Ўшандан бери у 30 миллион йўловчига ҳалол хизмат кўрсатди.

Бугунги кунда ҳам Н. Қаҳҳоров социалистик мусобақа пешқадамлари қаторида. Моҳир ҳайдовчи ўтган йил маррасидан дадил ўзди. 1991 йил икки ойлик режаларини собит-қадамлик билан эгаллай бориб, эл хизматига камарбаста бўлиб келмоқда.

Т. СУЛАЙМОНОВ.

ПОЕЗД КЕТДИ...

ТОШКЕНТДАГИ 2-ВАГОН ДЕПОСИДАН ҒАРОЙИБ РЕПОРТАЖ

15 март куни 2-вагон депосида тўхтаб турган «Махачқала» саёҳат поезди атрофдагиларнинг диққат-эътиборини ўзига тортди. Сайёҳлар оғир сумкаларини бир зумда бўшатиб чиқиб, яна шаҳар томон равона бўлишарди. Поезд жўнашидан чамаси икки соат олдин телевизор, полослар юклланган машиналар поезд олдида юкларни туширib ғойиб бўлди. Ўзбекистон ССЖ Давлат хавфсизлиги қўмитаси, темир йўл ички ишлар бўлими, 2-вагон депоси ишчи назорати комиссияси вакилларидан иборат гуруҳнинг саволларига сайёҳлар шундай жавоб қайтардилар:

— Ўз пулимизга сотиб олдик ёки бунга ҳаққимиз йўқми!?

— Жумҳуриятимиздан ташқарига кенг истеъмол моллари ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларини олиб чиқишни тақиқловчи жумҳуриятимиз Президентининг Фармони бор, қоларверса, сотиб олган маҳсулотларингиз дўконларда бемалол турганига ҳам йўқ.

Сайёҳлар ҳам бўш келишмади, назоратчилар ели деймисса улар бали деб туришди. Хуллас, қисқа тортишув ва мунозарадан сўнг сайёҳларнинг бу хатти-ҳаракатлари ноқонуний эканлиги тушунтириб берилди. Вагонларни текшириш бошланди. Купеларнинг ичида оёқ босишга жой йўқ, ҳаммаёқ қутилару чамадон, сумкаларга тўла. Битта поезддан ҳаммаси бўлиб 15 та телевизор, 10 та гилам, полос, кўплаб бошқа камёбу ноёб маҳсулотлар ташқарига олиб чиқилди.

Шундай тартиб бор, транспортдан олиб қолинадиган маҳсулотларнинг пули сотиб олган харидорга қайтарилиши шарт. 2-вагон депоси ҳузуридаги Ўрта Осиё темир йўлининг ишчи таъминоти бўлимига қарашли 18-дўкондан бор пуллар йиғиштириб чиқилди. Шунда пуллар икки телевизору бешта полос ва бошқа майда-чуйдаларга аранг етди. Уларни расмийлаштириш ҳам вақт талаб этади, бошқа дўкондан эса пул олиб келишга вақт зиқ. Поезд составини ортиқча ушлаб туришга темирйўлчиларнинг ҳаққи йўқ. Сайёҳлар савдонинг шундай нозик томонларини билганлари учун молларни поезд жўнашидан атиги икки соат олдин келтиришган эди.

Бошқа илож қолмагач, сайёҳларга ҳатто узр айтилиб, молларни вагонларга қайта ортишга рухсат этилди. Шундай қилиб, шу куни 13 та телевизор, 10 та гилам жумҳуриятимиздан ташқарига чиқиб кетди.

— Бунга қонунларимизнинг бўшлиги сабаб, — дейди 2-вагон депоси ишчи назорати комиссиясининг аъзоси Йўлдош Олчиев. — Фармон бўлгани билан уни бажаришда тўғри йўл-йўриқлар кўрсатилмаганинг оқибатидир бу. 16 март куни «Дарбент» саёҳат поездининг биргина вагон-ресторанидан 31 қути, яъни 600 килограмм сариёғ олиб кетилаётганди. 6 март куни «Шимолий Урал» саёҳат поездидан бор-йўғи 6 қоп шакарни туширib олишга пулимиз етди. 50-60 қоп шакар ва шунча қути сариёғ эса кетиб қолди. Тўғри биз поезд кетган Бухоро станциясига бу ҳақда хабар қилдик ва у ерда тегишли чора кўрилди.

Ушбу репортажни ёзяпман-у, бир томондан сайёҳларнинг уддабуролигига қойил, деган фикр ўтди. Бошқа томондан эса халқимиз ризқини қирқиб, ўзга томонларга маҳсулот бериб юбораётган савдо ходимларига хайф, деб ҳайқиргим келди. Сариёғни ёки телевизорларни дўконларда бемалол сотилаётганини яқин орада ким кўрди. Айрим савдо ходимларининг чойчақа ишлайман деб ҳеч нарсадан қайтмасликларига яна бир карра ишондим.

Мазкур ишлар бўйича Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси текширув бошлади.

Г. АҲРОРОВ.

Қайта қуриш ва ижтимоий адолат

ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ: У ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Ўзбекистон ССР Конституцион комиссияси олдида турган энг мураккаб вазифалардан бири Конституциянинг вақт жиҳатидан барқарор ҳужжат бўлишига эришишдир. Бунинг учун асосий эътиборни нималарга қаратмоқ лозим?

— Аввало Конституциянинг ички мантиқи, фалсафаси пишиқ, илмий асосланган бўлмоғи лозим;

— Иккинчидан, у тараққиётимизнинг бош йўналишларини белгиловчи салмоқли, тагзамини қоидаларни ўзида акс эттириши керак;

— Учинчидан, Конституция жорий қонунларга тааллуқли бўлган хусусий аниқликлардан ҳоли бўлиб, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг энг муҳим принципларини, энг умумий қоидаларини ифода қилиши керак;

— Ва ниҳоят, тўртинчидан, давлат ва жамият ишларини ташкил этиш ҳамда амалга оширишнинг демократик тартибини энг умумий тарзда белгилаб қўйиши шарт.

Ўзбекистон ССРнинг янги Конституциясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш — диёримизда демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш жараёнининг муҳим таркибий қисмидир. Ҳуқуқий давлат — адолатли қонунлар ҳукмронлик қиладиган, давлат идоралари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқаролар ўзларининг бутун фаолиятини қатъий равишда ҳуқуқ қоидалари асосида амалга оширадиган, фуқароларнинг қонуний манфаатлари муқаддас саналиб, суд томонидан ҳамиша реал муҳофаза этиладиган давлатдир. Ҳуқуқий давлат ўз фуқароларига ва жамиятга хизмат қиладиган давлатдир. Ана шундай давлатни шакллантириш мақсади жумҳурият янги Конституциясининг ғоявий мағзини ташкил этмоғи лозим.

Янги Конституциянинг диққат марказида фуқаро — жамият — давлат ўртасидаги ўзаро муносабат масаласи туриши керак. Инсон — дунёнинг энг олий тилаги, дурдона қадриятидир. Шунга кўра Конституция инсон, шахс, фуқарога зарур бўлган барча иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий-маданий ҳуқуқларни ҳамда эркинликларни кафолатлаб бериши керак.

Фуқаролар ҳозиргига ўхшаб давлат ҳокимияти ихтиёридаги ғаров воситаси, унинг айрим бебошликлари қурбони эмас, балки ҳуқуқ ёрдамида қатъий муҳофазаланган ўз мамлакати ва мулкининг эркин эгаси бўлишлари лозим.

Инсониятнинг асрий тажрибаси ва тафаккур заковати доно таълимот — ҳокимиятларнинг чегараланиши таълимотини яратди. Бунга мувофиқ ҳар қандай давлатда учта ҳокимият: қонун чиқарувчи ҳокимият, ижро этувчи ҳокимият ва суд ҳокимияти мавжуд бўлади. Бу ҳокимиятлар ўз фаолиятлари доирасида мустақил бўлиб, фақат қонун асосида иш кўрадилар. Мазкур таълимотнинг мантиқи шундаки, ҳокимиятнинг ҳамма турларига ҳеч ким мутлақ даъвогарлик қилолмайди ва у бир идора (ёки шахс) қўлида тўпланиб марказлашиб кетмайди. Учала ҳокимият ўртасида муайян мувозанат, ўзаро мутаносиблик мавжуд бўлади.

Мана шу мувозанат ва ҳокимиятларнинг ўзаро бир-бирини тийиб турувчи қарама-қарши таъсир механизмининг вужудга келтирилиши пировард натижада фуқароларнинг ҳуқуқий муҳофазаланганлигини таъмин этади. Ўзига хос қудратли кафолат сифатида намоён бўлади.

Янги Конституцияда қонун чиқарувчи ҳокимият (парламент) билан Президент бошчилигидаги ижро ҳокимияти ўртасидаги, шунингдек булар-нинг ҳар бири билан суд ҳокимияти ўртасидаги ва алоқалар ўзининг мукаммал ҳуқуқий ифодасини топиши керак. Ваколатларнинг оқилона тақсимотига кўра, жумҳуриятнинг Олий ҳокимият органи ўз эътиборини асосан қонун чиқариш ишига қаратади. Президент ва унинг итоатидаги ҳукумат эса жумҳурият халқ хўжалигини ҳамда социал-маданий соҳани бошқаради, қонунларнинг ижросини таъмин этади. Президент ташқи сиёсий муносабат борасида жумҳурият номидан иш юритади, фуқаролар ҳуқуқларининг ҳомийси сифатида майдонга чиқади. Президент парламентга ҳисоб беради.

Айни вақтда Президент парламентга қонунчилик ташаббуси билан кира олади; қабул қилинган қонунларни имзолайди ёки қонунларнинг кучга киришини кечиктириш (вето қўйиш) ҳуқуқидан фойдалана олади; «калавасининг учини» йўқотиб қўйган парламент»ни тарқатиб юборади ва янги парламент сайловларини белгилайди. Бу ва бунга ўхшаш принципиал масалалар Конституцияда аниқ-тиниқ белгилаб қўйилиши лозим.

Олий суд парламент томонидан сайланиши ёки Президент томонидан тайинланиши мумкин (агар Конституцияда шундай тартиб белгиланса). Судлар ўз фаолиятини мустақил амалга оширади, фақат Конституцияга ва қонунларга бўйсунади. Фуқароларнинг поймол этилган ҳуқуқларини тиклаш, уларни бошқарув идоралари ва мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатларидан ҳимоя қилиш суднинг биринчи даражали вазифасидир. Ҳуқуқий давлатда судлар том маънода адолат ва қонун посбонига айланадилар. Судларнинг мустақиллиги принципи ўзининг конституцион ифодасига ва кафолатларига эга бўлиши керак.

БЎЛҒУСИ Конституция қандай масалаларни қамраб олиши ва бу масалаларни қай йўсинда тартибга солиши ҳозирги куннинг энг долзарб мавзусидир. Бу борада Конституцион комиссиянинг айрим аъзолари ўзларининг мулоҳазаларини лойиҳалашган тарзда баён қилмоқдалар: Конституцион тартибга солиш доираси (предмети), Конституциянинг ички таркиби ҳақида марказий илмий муассасалар томонидан ҳам бир қатор фикрлар тақдим этилмоқда.

Бизнинг фикримизча, янги Конституциянинг структура тузилиши қуйидагича бўлса мақсадга мувофиқ келади: 1. Муқаддима; 2. Ўзбекистон ССР конституцион тузумининг асослари; 3. Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари; 4. Гражданлик жамияти; 5. Ўзбекистон жумҳурият давлат ҳокимиятининг ташкиллаштирилиши; 6. Якуний қоидалар.

1. Муқаддимада Конституция заминида ётувчи асосий принциплар ва Ўзбекистон халқ эрк-истаги ҳамда интилишларини акс эттирувчи мақсадлар эътироф этилади. Энг олий мақсад — демократик инсонпарвар ҳуқуқий давлат барпо этишдир. Суверен халқ — ҳокимиятнинг манбаи эканлиги таъкидланади. Муқаддас принциплар қаторида қуйидагилар мустаҳкамлаб қўйилиши мумкин: умуминсоний қадриятларга садоқат; халқ манфаатларининг олийлиги; демократик идеаллар ва эркинликларни эъзозлаш; инсонпарварлик; социал адолатлилик; қонуннинг олийлиги; ижтимоий, миллий ва ҳуқуқий тенглик ва ҳоказо.

2. «Ўзбекистон ССР конституцион тузумининг асослари» бўлимидаги дастлабки боб (моддалар) **Жумҳурият суверенитети** деб номланиши маъқул. Суверенитет асли французча ибора бўлиб, давлат ҳокимиятининг олийлигини, танҳо ва мутлақлигини англатади. Суверенитет ҳар қандай давлатнинг ажралмас белгисидир. Бизнинг шароитимизда суверенитет фақат жумҳуриятга тегишли бўлиб, Конституцияда ўзининг қонуний тасдиғини топади. Мазкур бобда шунингдек, янги Иттифоқ шартномасига мувофиқ равишда Ўзбекистоннинг суверен ҳуқуқлари ва ваколатлари мустаҳкамлаб қўйилиши шарт.

Бўлимнинг алоҳида боби жумҳуриятнинг давлат тамғаси, байроғи, мадҳияси ва пойтахтига тааллуқли қоидаларга бағишланади.

3. «Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари» бўлими — Конституциянинг марказий мавзуларидан бири ҳисобланади. Бу масалаларга тамомила янгича ёндошув керак. Инсон ва ҳуқуқи; соғлом табиий муҳитда яшаш ҳуқуқи; меҳнат қилиш ҳуқуқи; мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи ва уни мерос қолдириш ҳуқуқи; айбсизлик презумпцияси; суд ҳимоясидан фойдаланиш ҳуқуқи ва ҳ. к.

4. «Гражданлик жамияти» бўлимида мулк ва мулкчилик муносабатлари, шунингдек, таълим, фан ва маданият масалалари ўзининг қонуний ифодасини топади. Алоҳида боб сиёсий партиялар, жамоат бирлашмаларининг тузилиш тартиби ва фаолияти принципларига бағишланади. Дин ва диний ташкилотларнинг ҳуқуқий ҳолатини зикр этувчи махсус боб назарда тутилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қоидалар ҳам шу бўлимдан ўрин олади.

5. **«Ўзбекистон жумҳурияти давлат ҳокимиятининг ташкиллаштирилиши».** Бу бўлимда ҳокимиятнинг учта турига биттадан мустақил боб бағишланади:

1) **«Ўзбекистон жумҳуриятининг Олий Совети** (парламент) — қонун чиқарувчи ҳокимият. Мазкур бобда Олий Совет Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг олий органи эканлиги, унинг сайланиш тартиби, сайлов системасининг асосий принциплари ва қоидалари мустаҳкамланади, Олий Советнинг ваколатлари, фаолият принциплари, қонунчилик жараёни (қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи, қонун лойиҳаларининг муҳокамаси, қонунларни қабул қилиш ва эълон қилиш тартиби) белгиланади.

2) **«Президент — ҳукумат бошлиғи».** Бу боб жумҳуриятнинг олий ижроия ҳокимиятига бағишланиб, унда жумҳурият Президентининг сайланиш тартиби, унинг ваколатлари, давлат идоралари системасидаги мавқеи, қабул қиладиган актлари ва уларнинг юридик кучи ифодаланади. Президент зиммасига юклатиладиган масъулият. Вице-президентни сайлаш тартиби ва ваколатлари доираси. Президент билан Олий Совет ўртасидаги муносабат. Президент ҳукумат фаолиятини ташкил этади ва унга раҳбарлик қилади. Конституцияда ҳукуматнинг ташкил этилиш тартиби ва ваколатлари, ҳукуматнинг истеъфоси, қабул қиладиган ҳужжатлари, уларнинг юридик табиати мустаҳкамланади.

3) **«Суд ҳокимияти».** Конституциянинг бу бобида судьяларнинг мустақиллиги ва дахлсизлиги, фақат қонунга итоат этиши принциплари эътироф этилади. Судга таъсир ўтказиш ва ҳурматсизлик қонун асосида жазоланади. Суд ҳокимияти жумҳурият аҳолисининг тинчлиги ва ҳотиржамлигининг, шахс ҳуқуқлари ва эркинликларининг посбони сифатида қонунийлик ва адолатни таъминлайди. Шунингдек, бу ерда жумҳурият судларининг системаси, сайланиш ва чақириб олиш тартиби, одил судловни амалга оширишнинг раҳбарий принциплари акс эттирилади.

Суд ҳокимияти таркибига Ўзбекистон жумҳуриятининг Конституцион Суди, меҳнат низолари, оилавий ва маъмурий ишлар бўйича судлар ҳам киритилади. Шу боб прокурор назорати, арбитраж ва адвокатура ҳақидаги қоидалар ҳам баён этилиши ўринли бўлади.

Шу бўлимнинг алоҳида боби маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари тузилишига ваколатлари, ҳуқуқ ва бурчларига бағишланади.

6. Конституциянинг «Якунловчи қоидалар» деган қисмида Конституцияни ҳимоя қилиш механизми, ўзгартириш ва тўлдириш тартиби, шунингдек, уни амалга киритиш белгилаб қўйилади.

Мулоҳазаларимиз хотимасида шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, жумҳурият янги Конституциясини тайёрлаш ва қабул қилишдек улкан фаолиятнинг диққат марказида инсон қадр-қиммати туриши керак. Зеро, меҳнаткаш инсон Конституция ҳимоясида бўлишига ва конституцион қоидаларнинг бажарилишидан манфаатдорлигига эришиш давлат олиб борадиган инсонпарвар сиёсатнинг тимсолидир.

Ҳ. ОДИЛҚОРИЕВ,
Ўзбекистон ССР Президенти аппарати юридик бўлимининг сектор мудири.

Э. ХАЛИЛОВ,
Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот қўмитасининг раиси.

ҚАЙТА ҚУРИШ ВА ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ БЎЛИМИДАН: «Ўзбекистон Конституцияси: у қандай бўлиши керак?—мақоласи маълум маънода таклиф ва мунозара тарзида чоп этилмоқда. Унда мутахассислар янги Конституциянинг ўзига хос қирралари қандай бўлиши зарурлиги хусусида ўз фикрларини баён этишган. Ўйлаймизки, у сизни ҳам бефарқ қолдирмайди.

— Сиз Ўзбекистон Конституцияси аввалги Конституциялардан асосан нимаси билан фарқланишини истайсиз?

— Янги Конституциядан сиз нималар кутасиз?

— Янги Конституция юзасидан қандай таклиф ва мулоҳазаларингиз бор?

КАЙТА қуриш шарофати билан Ўзбекистон ҳам мустақиллик, том маънодаги суверен давлатчилик йўлига кирди. Бу йўл инсон қадр-қиммати муқаддас саналадиган, ижтимоий адолат ҳаётнинг бош мезони ҳисобланадиган ва демократик қонунлар ҳукмронлик қиладиган ҳуқуқий давлат сари етаклаши шубҳасиздир. Халқ фаровонҳаёт кечиришга, адолат юзасидан иш кўрадиган ҳокимиятга эга бўлишга ҳақлидир. Жумҳуриятимиз суверен давлат бўлиши, ўтмиш хатолари такрорланмаслиги учун мустаҳкам ҳуқуқий замин, қонуний кафолатлар зарур. Мазкур ҳуқуқий заминни вужудга келтириш Ўзбекистоннинг янги Конституциясини яратишдан бошланганлиги бежиз эмас, Зеро, Конституция бутун ҳуқуқий системанинг ўзагини ташкил этади. Янги Асосий Қонун ўзининг ғояси, моҳияти ва мазмуни жиҳатидан Ўзбекистон ССРнинг ҳозир амал қилиб турган Конституциясидан тубдан фарқ қилиши табиийдир.

Қайта қуришнинг бошланиши, айниқса ҳуқуқий давлатни шакллантириш ғояси илгари сурилиши билан Конституцияга бўлган муносабат тамомила ўзгарди. Биз ҳозир «турғунлик палласи» деб атаётган давр Конституциямиз муқаддимасида «ривожланган социализм» деб таърифланганини кўрамиз. Бугунги реал воқеликдан ҳамда янгича фикрлаш мезонларидан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, амалдаги Конституция сезиларли даражада ҳаётдан ортда қолди.

Бундан атиги бир неча йил муқаддам ҳаммамиз бир қатор мафкуравий, сиёсий ва ҳуқуқий шиорларни кўр-кўрона олқишлаб уларга соддадиллик билан ишониб юрганимиздан эндиликда ўзимиз ҳам ҳайратга тушмоқдамиз. Йўқ, биз бу ғояларга асло мухолиф эмасмиз. Бироқ сўзимиз билан ишимиз номутаносиб бўлганлиги, қонунларимиздаги баландпарвозлик билан турмуш-ҳаётимиз даражасининг пастлиги ўртасида қарама-қаршилик мавжудлигини таъкидламоқчимиз.

Асосий Қонунимизнинг барча қоидаларини ёппасига танқид қилиш адолатдан бўлмас, албатта. Унда талайгина демократик мазмундаги талқинлар ҳам бор. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам бирдек самара бераётгани йўқ. Бунинг сабаблари турлича.

Конституцион нормаларнинг баъзилари амал қилмай келганлигига ҳали жамиятимизда зарур моддий ва социал-маданий шарт-шароитларнинг вужудга келтирилмаганлиги (масалан, уй-жойли бўлиш ҳуқуқининг нореаллиги) сабаб бўлса, бошқаларининг ҳаракатсизлигига эса тегишли ҳуқуқий механизмларнинг йўқлиги сабаб. Масалан, Конституциямизнинг 5-моддасида давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари умумхалқ овози (референдум)га қўйилиши ҳақидаги қоида битилган. Аммо референдум тўғрисидаги Иттифоқ қонуни яқиндагина, 1990 йил декабрида қабул қилинди. Табиийки, ўн уч йилдан бери бу конституцион модда «ўлик» қоида эди. Худди шунингдек, 56-модда (фуқаролар мансабдор шахсларнинг, давлат ва жамоат органларининг ғайри-қонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга деган қоида) ҳам то 1989 йилгача ўз амалини топмай келди ва ҳ. к.

Ижтимоий-сиёсий ҳаётда узоқ йиллар мобайнида маъмурий-қўмондонлик бошқарув системасининг ҳукмронлик қилиб келганлиги ҳам Конституциянинг илғор халқчил қоидалари ҳаракатига раҳна солиб келди. Ахир бюрократик аппарат сайлаб қўйилган органлардан устун бўлиб турган шароитда Советларнинг тўла ҳокимлиги, умуман халқ ҳокимиятчилиги ҳақида гапиришга ўрин бормиди? Конституцияда эътироф этилган социалистик қонунийлик принципи «қоғозда» қолиб кетди. Иттифоқдош жумҳуриятларнинг, шунингдек, барча миллатларнинг суверенлигини ва тенг ҳуқуқлилигини назарда тутувчи социалистик федерализм принципи эса марказий идоралар юритган танҳо ҳокимлик (унитаризм) сиёсатининг қурбонига айлантирилди.

Қисқаси, ҳар қандай конституция ўз даврининг маҳсулидир. У шу давр воқелигидан, мавжуд ижтимоий ҳаётдан, маданият даражасидан юқори бўлолмайди. Амалдаги Конституциямиз ҳам бизнинг бундан ўн-ўн беш йил илгариги сиёсий ва ҳуқуқий маданиятимизнинг, ижтимоий тафаккуримизнинг меваси. Унинг ютуқлари ҳам, камчиликлари ҳам ўз ижодимиздир.

СЎНГГИ йилларда сиёсий ҳаётда, ижтимоий онгда жиддий бурилиш юз берди. Демократия, ошкоралик, социал адолат тушунчалари кундалик турмушимиздан мустаҳкам ўрин олди. Сиёсий системада амалга оширилган ислоҳотлар изидан бориб жумҳурият Конституциясига қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Булар — сайлов системасининг демократик янгиланиши, жумҳуриятда илк бор Президентлик бошқарувининг жорий этилиши, Министрлар Кенгашининг Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига айлантирилиши, яккапартиявийликдан кўппартиявийликка ўтилиши билан боғлиқ масалалар.

Бироқ рўй бераётган инқилобий ўзгаришлар энди мавжуд конституцион қолипларга тобора «сиғмай» қолмоқда. Жумҳурият Конституциясини янгилаш фурсати келди. Вазиятни шундай баҳолаган Ўзбекистон Олий Кенгашининг иккинчи сессияси 1990 йил 20 июнида жумҳурият янги Конституциясининг лойиҳасини тайёрлаш учун Конституцион комиссияни тузиш ҳақида қарор қабул қилди. Ўзбекистон ССР Президенти Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов Конституцион комиссиянинг раиси этиб сайланди. Комиссия таркибига халқ депутатлари, давлат ва жамоат арбоблари, олимлар ва мутахассислар кирдилар.

Тайёрланаётган янги Конституция жумҳуриятнинг тўртинчи Конституцияси бўлади. Конституцион қонунчилигимизда барқарорлик, муқимлик (стабиллик) етишмаётир. Асосий Қонуннинг тез-тез янгиланиши ёки унга дам ўтмай ўзгартириш ва қўшимчалар киритилавериши тараққиётдан далолат эмас, балки маълум даражада ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги беқарорликни ҳам англатади. Етмиш йиллик қисқа тарихий давр ичида Совет Конституциялари уч-тўрт марта янгитдан қабул қилиниб, беҳисоб ўзгартириш ва тузатишларга дучор бўлди. АҚШнинг 1791 йилда қабул қилинган Конституцияси эса 200 йилдан бери амал қилиб келаётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

МАРОКАШДАГИ ҚАДИМИЙ ШАҲАР ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Рабат, (ТАСС мухбирлари Сергей Бабкин билан Олег Широков). Марокашдаги фес шаҳри муниципалитети Ўзбекистондаги қадимий шаҳарлардан бири билан биродарлашишга тайёр эканлигини билдирди. Бу таклифни муниципал кенгаши президенти СССРнинг Марокашдаги элчиси Ю. М. Рибаков билан учрашув пайтида айтди.

Мамлакат шимолидаги фес шаҳрига 789 йилда асос солинган бўлиб, у 1912 йилга қадар Марокашнинг пойтахти эди. Ҳозир шаҳарда 450 мингдан ортиқ киши яшайди.

Экиш мавсуми арафасида

Самарқанд вилояти Каттақўрғон районидаги Ленин номли жамоа хўжалиги деҳқонлари кўкламги экиш мавсумига пухта ҳозирлик кўришди. Уларнинг нияти — мавжуд 2510 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил олиш. Шу мақсадда барча техника воситалари мавсумга шайлаб қўйилди.

Суратларда: моҳир чиланғар Тошпўлат Тўраев (чапда) ва бош муҳандис Нормурод Йўлдошев таъмирчилар орасида.

Т. НОРҚУЛОВ туширган суратлар.

ЖАНГОВАР ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ҲАЁТИДАН

СЕРЖАНТ ФАРҲОД ШОМУРОДОВ

Қисмимиз аскарлари орасида кичик командир Фарҳод Шомуродовнинг алоҳида ўрни бор. Бунинг боиси унинг меҳнатсеварлигидадир. У хизмат давомида саккиз марта рағбатлантирилди.

Фарҳод ҳарбий қисм комсомол қўмитасининг аъзоси ва «Совет Армияси вълочиси»дир. Яқинда аъло хизматлари учун юртига қисқа муддатли таътилга бориб келди.

С. ПОЛУШИН,
Н-қисм командирининг ўринбосари.

* * *

МИННАТДОРЧИЛИК

Ушбу миннатдорчилик хатини рўзномангизга йўллашдан мақсад — юртдошингиз сержант Асатулла Ҳамроев Ватан олдидаги ҳарбий хизматини ҳалол бажариб, ўртоқларига намуна бўлаётгани ҳақида билдиришдир. У ўзининг тиришқоқлиги, одамлар билан ишлай олиш фазилатлари билан узоқ Уралда жойлашган Н-қисм аскарлари ўртасида ҳамма учун ўрнак. Жанговар навбатчиликни ҳар доим аъло бажаради. А. Ҳамроев бир йил мобайнида оз эмас, ўн еттн маротаба тақдирланди. Асатуллани тарбиялаб воғга етказган ота-онасига, маҳалла, мактаб ва бошқа меҳнат жамоаларга раҳмат айтамиз.

В. ТУЛАЕВ,
И. КАЮДА,
Н-қисм офицерлари.

* * *

Шунингдек, Афғонистон уруши ветерани, Т. Қосимов, саронсиёлик Х. Кароматов, С. Эшмирзаев, қизилтепалик Э. Отаев юртдошларимиз Улуғ Ватан уруши жангоҳларида жон олиб жон берганн ҳақида ёзишган. Андижонлик О. Абдуллаев, қўқонлик С. Аҳмаджонов, тошкентлик М. Камолхўжаев, марғилонлик А. Қутбиддинов каби фуқаролар, армия сафида хизмат қилаётган оддий аскар ва кичик командирлар В. Ражабов, К. Муллажонов, А. Холбоев, Н. Расулов, Б. Бобоев, Н. Бозоров ва бошқаларнинг хатларида осон бўлмаган армия ҳаёти, қувончлари ва ташвишлари ҳақида ҳикоя қилинган.

«Совет Ўзбекистони» материаллари изидан

«МУШТАРИЙЛАР ЭЪТИРОЗИ»

Рўзномамизнинг шу йил 24 январь сонида босилган юқоридаги сарлавҳали мақолада Уйчи районида обуначиларга вақтли матбуот ўз вақтида етказиб берилмаётгани танқид қилинган эди. Ушбу мақола юзасидан Уйчи район ижроия қўмитасидан расмий жавоб олинди:

— Мақола ўрганилди ва муҳокама қилинди. Унда келтирилган фактлар, яъни муштарийларга матбуот нашрларини ўз вақтида етказиб бармаслик матбуот тарқатиш бўлимида ва алоқа бўлимлари почтальонлари ишида мавжудлиги тасдиқланди.

Мақолада таъкидланган «Қизилравот» совхози иқтисодчиси А. Ҳакимовнинг турмуш ўртоғи М. Юнусова ҳозирги кунда матбуот нашрларини тўлиқ олмоқда.

Оммавий ахборот воситаларини ўз вақтида обуначиларга етказиб беришда камчиликларга йўл қўйганлиги учун матбуот тарқатиш бўлими инспектори А. Отажоновга қаттиқ ҳайфсан берилди.

«ЙЎЛОВЧИ ТАЛАБИ»

Рўзномамизнинг шу йил 19 февраль сонида босилиб чиққан юқоридаги сарлавҳали мақолада Оқдарё районида транспорт хизмати кўрсатиш бугунги кун талабига жавоб бермаётганлиги, йўловчилар автобус кутиб, сарсон бўлишаётганлиги ҳақида ёзилган эди. Ушбу мақола юзасидан УЗБЕКИСТОН ССР АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ВАЗИРЛИГИдан расмий жавоб олинди. Унда, хусусан, шундай дейилади:

Ҳозирги вақтда Оқдарё районн аҳолисига 15 та маршрутда 32 автобус хизмат қиладн. Ноҳия аҳолисига кўрсатиладиган транспорт хизматини яхшилаш мақсадида Лонш поселкасида автоколонна ташкил қилинган. Автоколоннада 22 автобус бор. Бундан ташқари поселкада автокасса ишлаб турибдн.

1990 йили «Лонш — «Москва» колхози маршрути очилди. Ҳозир бу маршрут «Қоратери» қишлоғигача узайтирилди. Шу йилнинг ўзида «Самарқанд — Бурҳнҳўжа» маршрутлари очилди.

1991 йилнинг ўтган икки ойи мобайнида автобуслар қатнаш мунтазамлиги 93 фоизни ташкил қилдн. Мақолада кўрсатилган фактлар тўғрилигини ҳисобга олиб, ўз ишига совуққонлик билан қараганлиги ва автобуслар қатновини назорат қилмаганлиги учун Самарқанд пассажирлар ташиш автотранспорт бирлашмаси отряд бошлиғи Ҳасановни ишдан четлаштириш тўғрисида буйруқ тайёрланди.

Пахта тозалаш заводлари ихтиёридаги Японияда ишлаб чиқарилган автобусларни район автокорхонаси ихтиёрига олиб беришни Самарқанд вилояти ижроия қўмитасигина ҳал қилиши мумкин.

ОБ-ҲАВО...

Ўзбекистон ССР об-ҳавони кузатиш марказидан хабар беришларича, шу ҳафтада жумҳуриятимиз айрим масканларида ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлади. Ғарбдан эсадиган шамол секундига 17 метргача тезликда кучаяди. Кечаси 8—13, кундузи 20—25, Қорақалпоғистон ва Хоразм вилоятларида кечаси 3—8, кундузи 13—18, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида эса кечаси 10—15, кундузи 22—27 даража иссиқ бўлади. Ҳафтанинг ўртасида жануби-ғарбий оқим жумҳуриятимизга иссиқ ҳавони олиб келади.

...САЛОМАТЛИК

Семашко номидаги тиббий даволаш ва табиий тиклаш илмий-тадқиқот институти мутахассисларининг фикрича, об-ҳавонинг бундай кескин ўзгариши, ҳавода кислород миқдори камайиши туфайли бемор кишиларнинг ҳаловати бироз бузилади. Бундай пайтда беморлар меҳнат ва овқатланиш тартибига эътибор билан риоя этишлари маслаҳат берилади.

ЯНГИ ИЖОДИЙ БИРЛАШМА

САНЪАТ — БУ ХАЛҚНИНГ ЮЗИ

Ошкоралик ва демократия фикрлар хилма-хиллигини юзага келтирди. Фикрлар хилма-хиллиги бош-бошдоқлик эмас, аниқ мақсадга йўналтириган ранг-баранглиқдир. Мақсад бирлиги шу йўсиндаги ҳаракатлар хилма-хиллигини ҳам тақозо этади. Тошкентда ташкил этилган Улуғбек номидаги жамғарма қошида иш бошлаган «Улуғбекфильм» ижодий бирлашмаси ҳам давр, демократия меваси дир. Бирлашма бош муҳаррири, Ҳамза номидаги Давлат мукофоти лауреати Шараф БОШБЕКОВ билан суҳбатимиз ана шу мавзуда.

— Мана, «Темир хотин»ни ёзганингизга ҳам икки йилча бўлиб қолди. Шундан кейин саҳнада кўринмай кетдингиз!

— Бунинг иккита сабаби бор. Биринчиси шуки, оғоҳ эмаслигимни тушуниб қолдим. Ҳа ўтмишимизни, на якин тарихимизни билар эканман. Шунинг учун ҳозирча ёзишдан кўра ўқишни афзал кўриб турибман.

— Иккинчиси-чи!

— Иккинчиси — ўзига хос ижодий тактика. Томошабин маълум бир асарга «тўйганидан» кейингина иккинчисини чиқариш керак, деб ўйлайман. Эсингизда бордир, Ёш томошабинлар театрида «Эски жуда гаврошлари» деган асарим қўйилган эди. Мутахассислару жамоатчиликнинг юқори баҳосини олган эса-да, унчалик шов-шув бўлмади. Чунки «Темир хотин»нинг соясида қолиб кетди. Дастурхонга кетма-кет таом тортилса қадри бўлмайди, пала-партиш ейилади, битта таом қўйилса қолдирмай, охиригача танаввул қилинади. Маънавий озиқ ҳам шундай гап.

Аммо саҳнада камнамо бўлсам ҳам экранда кўриниб туришга ҳаракат қиляпман. Хабарингиз бор, «Темир хотин» фильм қилинди.

— Ҳозир нима қиляпсиз?

— Яна экранда кўринсам деяпман. Маълумки, ўтган йили Тошкентда Улуғбек номли жамғарма ташкил этилди. Бу жамғарманинг асосий вазифаси юқори малакали миллий мутахассислар тайёрлаш, ёшларнинг Иттифоқимиз ва ҳориждаги йирик илмий марказларда ўқишини таъминлашдир. Жамғарма қошида қатор корхоналар иш бошлади. «Улуғбекфильм» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳам шулар жумласидандир.

Бирлашмамиз Улуғбек жамғармаси мақсадларига ҳамоҳанг бадиий, ҳужжатли-оммабоп ва маърифий фильмлар ишлаб чиқаради. Шунингдек, жумҳуриятимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни мамлакатда ва чет элларда тарғибот қилувчи кичик-кичик киноласвҳалар ҳам яратади. Бундан ташқари фан, адабиёт ва санъат арбоблари ҳақида портрет-фильмлар, фильм-концертлар ҳам тайёрлаб, чет элларга чиқаришни мўлжаллаяпмиз. Қисқаси, бир пайтлар етти иқлимга машҳур бўлган юртимизни дунёга танитиш — энг асосий мақсадимиздир.

Биз корхона, муассаса ва турли хўжаликлардан ўзаро мақбул шартнома асосида буюртмалар қабул қиламиз. Масалан, у ёки бу хўжалик ўтмиши, бугуни ва эртаси ҳақида билан суратга ола бошлаймиз. Гап шундаки, ўтган йилнинг охирида «Улуғбекфильм» бирлашмаси билан Жанубий Корея кинокомпанияларидан бири ўртасида ҳамкорлик қилиш ҳақида шартнома имзоланди. Бажордан суратга олишни бошлаймиз. Фильмни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Ҳамза мукофотининг нишондори Ҳожимурод Иброҳимов суратга олади. Оператор Элдор Мамедов, бастакор ва қўшиқ ижрочилари Ўзбекистон халқ артисти Фарруҳ Зокиров ҳамда хонанда Юлдуз Усмонова, қўшиқ сўзлари Азим Суюн қаламига мансуб, ролларни Мирза Холметов, Ҳожибой Тожиқейнги авлодлар учун эсдалик бўлиб қоладиган солнома фильмга буюртма бериш мумкин.

— Кимга ёки қаерга!

— Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, М. Турғунбоева кўчаси, 40-уй. «Улуғбекфильм» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси. Ҳар эҳтимолга қарши, маблағ ўтказиш учун ҳисоб рақамни ҳам айтиб қўяй: 004700008 ОПУ ЖСБ Тошкент МФО, 73427.

— Биринчи ишни нимадан бошламоқчисизлар!

— Дастлабки ишни тугатиб, иккинчисини ҳам охирлатиб қўйдик. Биринчи ишимиз ҳужжатли-публицистик фильм бўлиб, жумҳуриятимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиши қандай оқибатларга олиб келиши ёки қандай афзал томонлари борлиги ҳақидадир. Иккинчи фильмни кейинги ойларда тугатамиз. «Навоий гулшани» деб аталувчи бу ҳужжатли маърифий фильм буюк бобомизнинг достонлари асосида суратга олинаяпти. Бу асарни кичик кино тасмаларга кўчириб, мактаб, олийгоҳ ва турли ўқув юртларига дарслик сифатида тарқатишни мўлжаллаяпмиз.

— Мўлжалда яна нималар бор!

— «Навоий гулшани»ни тугатишимиз билан каминанинг «Осмон йироқ, ер қаттиқ» номли асарим асосида икки қисмдан иборат мусиқий комедияни Жанубий Корея киночилари боев, Обид Асомов, «Темир хотин» спектаклида Қўчқор ролини ўйнаган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Ҳамза мукофотининг нишондори Муҳаммадсоли Юсупов, Ўзбекистон ССР халқ артисти Фароғат Раҳматова ва бошқалар ижро этишади.

— Асар нима ҳақда!

— Буниси энди сир. Ҳозирча асарнинг мусиқали комедия эканлиги ва ижрочиларнинг номларидан камтарона хулоса чиқариб турасиз. Ўзбек миллий киносининг энг сара кучларини жалб қилиш ниятимиз бор. Шуни ҳам айтиб қўяй, биз шартнома асосида таклиф этган мутахассисларни бошқа киностудия, киноуюшмаларга қараганда моддий томондан анча яхши таъминлашга ҳаракат қиламиз. Бирлашмамизда бор-йўғи йигирмага якин киши ишлайди, уларнинг асосий вазифаси таклиф қилинган режиссёр, суратга олувчи, рассом, актёрларга барча шароитни яратиб беришдан иборат.

Маълумки, 1994 йилда улуғ бобокалонимиз Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги дунё миқёсида нишонланади. Мазкур санага бағишлаб «Улуғбек меросларн» номли икки қисмли ҳужжатли маърифий фильмни Буюк Британия киноусталари билан биргаликда суратга олмоқчимиз.

— Улар билан ҳам шартнома тузилганми!

— Йўқ, ҳозирча оғзаки келишиб олдик, якин вақтда расмийлаштирамиз. Гап шундаки, Улуғбек ҳужжатлари, Улуғбек ҳақидаги талай манбалар, ҳатто расадхонадаги баъзи асбоблар ҳам Буюк Британия музейларида сақланар экан. Очиғи, бу буюк инсон ҳақидаги билимимиз саёз, юзаки ва умумийдир. Хуллас, бу жуда муҳим ва хайрли иш. Сценарийни Бўрибой Аҳмедов, Ашраф Аҳмедов, Шавкат Воҳидовлардан иборат олимлар гуруҳига топширдик.

Шу билан бир вақтда бошқа бир киногуруҳимиз Амир Темур ҳақидаги фильмни суратга ола бошлайди.

— «Самарқандфильм»да Амир Темур ҳақидаги кинони Али Ҳамроев оляпти, шекиллі!

— Ҳа, улар бадиий фильм қилишяпти, бизники ҳужжатли фильм. Улуғбек жамғармаси асосан ёш кадрларни етиштириш билан шуғулланади. Шундан келиб чиқиб, биз асарнинг кўпроқ маърифий томонларига эътибор берамиз. Ёш йигит ёки қизга касб ўргатиш мумкин, лекин ўзлигини танишида ким ёрдам беради? Бундан ташқари Амир Темур тарихда фақат қонхўр, босқинчи бўлиб қолаверадими? Яхши жиҳатлари камми? Минг афсуслар бўлсинки, Россиядай давлат Темур туфайли мўғуллар оёғи остида топталмай қолганини совет тарихчилари ўжарлик билан тан олмай келяптилар! Бу фильмни яратишдан мақсад, талай тарихий адолатсизликларга барҳам бериш, Амир Темур шахсини, қудратли марказлашган давлат барпо қилишдаги хизматларини билмаганларга ва билишни истамаганларга яна бир карра англатиб қўйишдир.

1996 йилда Амир Темур таваллуд топганига 660 йил тўлади. Фильм ана шу санага бағишланади, лекин ишни ҳозирдан бошламоқчимиз. Бу асар ҳам инглиз киночилари билан ҳамкорликда олинади ва ўзбек, инглиз,рус, араб тилларида чиқарилади.

— Зиммаларингизга машаққатли, лекин хайрли вазифани олибсизлар.

— Булар якин уч-тўрт йилда қилинадиган йирик ишларимиз. Шулар билан бир вақтнинг ўзида қатор бадиий фильмлар ҳам чиқарамиз, албатта. Агар бирваракайига тўрт-бешта асар устида ишланадиган бўлса, бунга яна тарғибот (реклама), ўқув ва фильм-концертларни ҳам қўшсак, бирлашмамиз жумҳуриятдаги энг сермаҳсул кинокорхоналардан бирига айланишига шубҳа йўқ.

— Очиғи, кейинги 20—30 йил ичида битта-иккита фильмни демасак, ўзбек халқи ўз миллий киносидан бенасиб. «Ўзбекфильм» тамғаси билан чиққан фильмлар халқимизга бегона бўлиб қолаверди. Балки, янги ташкил этилаётган киностудияларни назорат қиладиган қандайдир ташкилот керакдир!

— Аввало, мазкур киностудия ёки бирлашмалар «етим» эмас — ҳаммасининг эгаси бор. Ҳозир ҳеч ким бировга бир сўм бермайди. Ҳар бир киностудия ўз таъсис этувчиси назоратида бўлади — шунинг ўзи етарли. Агар яна қандайдир маъмурий ташкилотга қўл-оёғини боғлаб бериб қўйсак, маънавиятимиз яна зарар кўрган бўлар эди.

Лекин бошқа таклиф бор. Ҳозир кўплаб видеосалонлар, кинотеатрларда уятсиз, фаҳш кинолар очиқдан-очиқ кўрсатиляпти. Менимча, қандайдир бир холис ҳайъат тузиш керак. «Ахлоқ ҳайъати» деб аталадими, «Номус ҳайъати» дейиладими, унисини билмадим. Ҳайъатда 7-синф ўқувчиси ҳам бўлсин, академик ҳам, ўқитувчи ҳам, Совет Иттифоқи халқ артисти ҳам. У расмиятчиликдан холи, асарнинг бадиий ва сиёсий жиҳатларига аралашмайдиган, ижодкорнинг имкониятларини чеклаб қўймайдиган ҳайъат бўлиши керак. Фақат фахш ёки ўзбек халқининг урф-одатлари, миллий ғурурини топтайдиган, оёқ ости қиладиган ҳар қандай асарга кескин муносабат билдирадиган бўлсин.

— Унда «миллий қобиққа ўралашиб қолиб, дунё миқёсига чиқолмаймиз-ку» дегувчилар қандай қарор экан!

— Э, ўшанақалар ўттиз йилдан бери, биласизми, тухумини ёриб чиққан жўжадай, пўчоғига ўралашиб ётибди! Дунёга ялангоч хотинларни кўрсатиб чиқар эканми? Бошқа кўрсатадиган нарсаси йўқ эканми? Қаерда талант етишмадими, унинг ўрнини дарров фахш эгаллайди!

— Лекин дунёга машҳур режиссерлар Феллини, Антониони, Бергман ва бошқаларнинг фильмларида ҳам фахшга анча кенг ўрин берилади, дейишса-чи!

— Амазонка қирғоқларидаги қайсидир бир қабила қурбақани ҳомлигича еркан. Мен ҳам шунақа маслаҳат бераман! Тўғри, фильмга кетган каражатни қоплаш, кейинги асар учун пул топиш керак. Лекин пул деб имонни сотмайлик!

— Кейинги вақтларда «ҳар хил, бўлар-бўлмас киностудиялар кўпайиб кетди» деган гаплар юрибди...

— Ўзингиз ўйланг, унақа фикр кимлардан чиқади? Инқирозга юз тутиш ҳавфи бор, рақобатга чидамсиз, ишлаб чиқараётган маҳсулоти «харидоргир» бўлмаган киночиларимиздан чиқяпти. Бундайлар «мен қовун экдимми, бошқа ҳеч ким экмасин» дейдиган худбин одамни эслатади. Бозорда қовун қанча кўп бўлса, шунча яхши эмасми? Харидорда танлаш имконияти бўладя: ёқса олади, ёқмаса йўқ. Биз, совет ижодкор зиёлилари, рақобат нималигини билмай ўсдик. Ижод майдонида мардона курашишни билмаймиз. Яккаҳокимиятчилик маданиятимизни ҳароб қилди. Агар ўша «киностудиялар кўпайиб кетди» деб тиззаси қалтираётганлар ишлаб чиқарган маҳсулотидан кўнгли тўқ экан, нега қўрқади? Менга қолса, яна эллиқта киностудия, киноуюшмалар очилмайдими, — қўрқадиган жойимиз йўқ! Ўзини оқламаганлари шундоқ ҳам «синиб», йўқ бўлиб кетаверади.

Имоним комилки, якин 4-5 йил ичида ўзбек киносанъатида жиддий сифат ўзгариши рўй беради. Фақат мамлакатимиздагина эмас, хориждаги мана-ман деган киноасарлар билан ҳам ҳеч тап тортмай беллаша оладиган, ҳар бир ўзбек «Бизнинг фильмлар шунақа-да!» деб кериладиган, фахрланадиган асарлар дунёга келади!

Суҳбатдош, Саъдулла ҲАКИМ.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

кафедралар бўйича профессор-ўқитувчилар таркибидаги бўш лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: электрон-ҳисоблаш аппаратураларини конструкциялаш ва ишлаб чиқариш, умумтаълим фанлари, ўзбек тили, адабиёт ва жамиятшунослик;

доцентлар: иккинчи сиёсий тарих, биринчи жисмоний тарбия (0,5), фойдали қазилма конларини қидириш ва изланишнинг геофизикавий усуллари, нефть ва газ конларини бурғулаш, йиғма темир-бетон ишлаб чиқариши, 2-назарий ва умумий электр техника (2), материаллар физикаси ва технологияси, электр станциялар, (0,5), ачитқи ишлаб чиқариш ва виночилик технологияси;

катта ўқитувчилар: 1-жисмоний тарбия (2), расм, рангтасвир ва ҳайкалтарошлик, шаҳарсозлик ва қишлоқ аҳолиси яшайдиган жойларни режалаштириш, минералогия ва кристаллография, нефть ва газ қудуқларини қидириш, бурғулаш техникаси, ахборот системаларининг дастурий таъминоти, умумтаълим фанлари (3), қурилишни ташкил қилиш, режалаштириш ва бошқариш, ачитқи ишлаб чиқариши технологияси, кимёвий технология жараёнлари ва аппаратлари, физикавий электроника ва микроэлектрон асбоблар, энергетика иқтисоди ва уни ташкил қилиш, 2-сиёсий иқтисод;

асистентлар: силикатлар умумий технологияси, техникавий ва конструкциялашга оид сопол, расм, ранг-тасвир ва ҳайкалтарошлик, нефть ва газ конларини бурғулаш, физикавий электроника микроэлектрон асбоблар.

КЕЧКИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМ БЎЙИЧА

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА

катта ўқитувчилар: рус тили (2);

ОЛМАЛИҚ ШАҲРИДА

катта ўқитувчилар: рангли металл рудаларини бойитиш технологияси ва кимё (2);

АНГРЕН ШАҲРИДА

катта ўқитувчи: энергетика фанлари.

Танлов муддати — 21 апрелгача.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилсин: 700095, Тошкент шаҳри, Мирошкина кўчаси, 2-уй, Тошкент политехника олий билимгоҳининг бош биноси, 201-хона.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ МУҲАНДИСЛАРИ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

Жумҳурият халқ хўжалиги соҳаларида бошқаришни такомиллаштириш ва ҳозирги замон шахсий ЭҲМдан оқилона фойдаланиш мақсадида

ташкилот, корхона ва муассасаларнинг мутахассислари ҳамда ишчилари учун «Информацион технологияни турли соҳаларида ишлатиш» бўйича

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Таълим муддати ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда — 3 ой.

МАШҒУЛОТЛАР 1991 ЙИЛ 15 АПРЕЛДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқув-тематик дастур ва битирув ишларини ҳимоя этган (битирув имтиҳонларини топширган) тингловчиларга курсни битирганлари ҳақида тасдиқланган шаклдаги ҳужжат (шахсий гувоҳнома, диплом) берилади.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона ва уч марталик овқат билан таъминланадилар.

Манзилгоҳимиз: 700000, Тошкент, ГСП, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй.

Барча қизиққан масалалар бўйича қуйидаги телефонлар орқали мурожаат этиш мумкин: 35-33-86, 33-16-66.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари олий билимгоҳининг ректорати ва жамоат ташкилотлари Олий математика кафедрасининг катта ўқитувчиси Д. Б. Турдиевга акаси

Усмон ТУРДИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари олий билимгоҳининг ректорати ва жамоат ташкилотлари ўқув қисми бошлиғи, қишлоқ хўжалик мелиорацияси ва гидромелиоратив системаларни ишлатиш кафедрасининг доценти С. И. Холиқуловга отаси

Иброҳим ХОЛИҚУЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент халқ хўжалиги олий билимгоҳи ректорати, партия ва касаба уюшмаси ташкилотлари молия-ҳисоб мутахассислиги Сиёсий иқтисод кафедрасининг доценти Х. И. Боевга онаси

Мустафира БОЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат муаллимлар олий билимгоҳи ректорати, партия комитети ва жамоат ташкилотлари, шунингдек, ўзбек ва қозоқ филологияси кулliёти жамоатчилиги ўзбек адабиёти кафедрасининг доценти, филология фанлари номзоди, Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси, меҳнат ветерани

Саломатхон ИБРОҲИМОВАнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус ўқув юртлари бошқармасининг бош мутахассиси З. И. Холиқуловга отаси

Иброҳим ХОЛИҚУЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат муаллимлар олий билимгоҳининг ректорати, партия ва касаба уюшмаси ташкилотлари, социализм назарияси кафедраси жамоаси шу кафедранинг доценти И. Т. Тожиевга укаси

Абдусапий ТУЛАГАНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Футбол

ЯГОНА ПЕШҚАДАМ

Олий лига командалари мамлакат чемпионатининг тўртинчи тур ўйинларини ўтказишди. Пойтахт армиячилари мавсумни кўтаринки руҳда бошлаб, мағлубиятсиз ўйнашмоқда. Улар навбатдаги учрашувни Минск динамочилари майдонида ўтказиб, дарвозага ягона тўп киритиш билан муваффақият қозонишди. Бу ғалабадан кейин ЦСКА футболчилари 8 очко билан биринчи ўриндаги мавқеларини мустаҳкамлашди. «Шахтёр» ва «Днепр» жамоаларида еттитадан очко бор.

«Пахтакор» командаси Москва спартакчиларининг меҳмони бўлиши керак эди. Зеро, спартакчилар мамлакат футбол федерацияси мутасаддиларининг эътирозига қарамай, Японияга жўнаб кетишди. Спартакчилар 5 апрель кунига мўлжалланган Киев динамочилари билан ўйинда ҳам қатнашолмайдилар. Бундай қондабузарлик «иши» мусобақаларни ўтказиш комитетига топширилди. Масала спартакчилар сафардан қайтгач, кўриб чиқилади. Пахтакорчилар эса навбатдаги учрашувни ўз майдонларида пойтахт торпедочилари билан ўтказадилар.

УЗР СУРАЛАДИ

Рўзномамизнинг 1988 йил 19 июнь сонида босилган «Сўнгги пушаймон» (муаллифи Ж. Саъдуллаев) сарлавҳали мақолада Беруний район «Пахтакор» (ҳозирги пайтда «Халқ минбари») рўзномасининг муҳаррири Т. Юсуповнинг баъзи хатти-ҳаракатлари танқид қилинган эди. Якинда Тошкент шаҳар Ленин район халқ суди Т. Юсуповнинг даъво аризасини кўриб чиқди. Ж. Саъдуллаевнинг «Сўнгги пушаймон» сарлавҳали танқидий мақоласидаги фактлар ўз тасдиғини топмаганлиги, Т. Юсуповнинг шани ва қадр-қиммати камситилганлиги таъкидланди.

Шу муносабат билан Т. Юсуповдан узр сўралади.



Кечқурун болалар билан Оқтовуқсой бўйларида бўлдик. Улар қўлимдаги фотоаппаратни кўриб, қушлар ин қурган дарахтлар олдига олиб боришди. Аввал нўнтароқ-балиқчи қуш инини кўрсатишди. Ин сайҳонликнинг тик ёнбағрида, ёввойи жийда панасида экан. Болалар бир кун аввал ин оғзини ўроқ билан кенгайтириб, қуш ва олтита тухумини олишган экан. Бироқ ойлари қушга раҳм келиб, қўйиб юборишни, акс ҳолда уволига қолишини айтибди.

— Нўнтароқни уйда боқиб, тухумидан полопон очирмоқчи эдик, — деди қўшда сочларни қизғиштоб тусга кириб, ёноқлари қорайган Илҳом билан Бахтиёр. — Ойимизнинг гапидан кейин қўйиб юбордик.

— Қуш тухумини нима қилдиларинг, инига келтириб қўйдиларингми? — сўрадим улардан.

— Йўқ, қушимиз ҳаммасини синдириб юборди. Биласизми, тухумлар ичида қип-қизил жиш болалари бор экан. Улар анчагача питирлаб ётди, кейин қушимиз ҳаммасини ўлдирди.

— Эҳ, бекор нобуд қилибсизлар, — дедим ўша фожианинг гувоҳи бўлган Илҳом билан Бахтиёрнинг кўзларига тик боқиб. — Биласизми болалар, қушлар инини бузиш, тухумларни синдириб, полопонларини қийратиш табиатга нонг зарар. Ахир, ўзларинг ўйлаб кўрингларр, мана сизларнинг қўлларингда ўроқ бор. Ўт ўрганн ҳар кунн шу сайҳонликка келасизлар. Атрофда учиб-қўниб, насибасини теріб еб юрган қушларни кунда кўрасизлар. Сизлар шу далалар бағрида юриб, табиатдан завқланасизлар. Тўғрими?

Илҳом ва Бахтиёрнинг кўзларидан қарама-қарши инки ҳиссиёт қурашаётганини пайқадим. Улар болаларга хос ниприкларн қуюқ, тим қора маъсум кўзларини мендан олиб қочмасдн.

Ниҳоят, Илҳом сўз бошлади:

— Биз жуда нўп қушларни ушлаганмиз. Дарахтлардаги инларга чиқиб, полопонларнни олардин. Ота-она қуш бошнмиз ўзра чирқирашига қарамай, ночор қушчаларни уйга олиб кетардик. Энди сира ундай қилмаймиз.

Болалар билан балиқчи қуш қурган сайҳонлиннинг тик ёнбағрига тушдин. Улар тиззадан юқоригача сув кечиб, қуш инини топди. Илҳом инга қўлини тиқиб кўрди, ин ҳозирча бўм-бўш...

Қуёш дала четидаги қишлоқ теранклари ортига беркинди. Ҳавода нўнламги ёмғир сувларида чириндига айланган шўра, янтоқ, юлғун, яна аллақайсидир ўт-ўланлар ҳиди анқий бошлади. Шарқ томонда ой балқиб, қалдирғоч қаноти янглиг нозик ўроғини кўз-нўз қила бошлади. Сайҳонликка қоронғулик чўккандa қишлоққа қайтдик.

З. ҲАЙДАРОВ.

Муаллиф олган сурат-лавҳалар.

ИНСОН ВА ТАБИАТ

ТУЙҒУ БУЛОҚЛАРИ

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХЎЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.
УЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-09.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 5207.

№ 63. ● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12